

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

**Ходиева Шахноза Абдуллаевна**

**Инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг  
когнитив хусусиятлари**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Магистрлик даражасини  
олиш учун ёзилган

Мутахассислик - 5A120102  
Лингвистика (инглиз тили)

Иш кўриб чиқилди  
ва ҳимояга тавсия этилди.  
Кафедра мудири, ф.ф.н., доцент  
\_\_\_\_\_ Галиева М.Р.  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2016 йил

Илмий раҳбар  
филология фанлари  
доктори профессор  
\_\_\_\_\_ Расулова М.И.

**ТОШКЕНТ – 2016**

## МУНДАРИЖА

|   |  |           |
|---|--|-----------|
| <b>Кириш</b>  |  | <b>3</b>  |
| <b>I. БОБ. Тадқиқотнинг назарий асослари</b>  |  | <b>10</b> |
| 1.1. Масаланинг ўрганилиш тарихи  |  | <b>10</b> |
| 1.2. Посессивлик тушунчаси ва унинг категориал мавқеи                                     |  | <b>17</b> |
| 1.3. Майдон назариясининг шаклланиши  |  | <b>23</b> |
| 1.4. Посессивлик категориясининг семантик майдони   |  | <b>29</b> |
| <b>Биринчи боб юзасидан хулосалар</b>   |  | <b>36</b> |
| <br>  |  |           |
| <b>II. БОБ. Инглиз ва ўзбек тилларида посессивлик категориясининг даражавий ифодаси</b>   |  | <b>38</b> |
| 2.1. Инглиз тилида келишик категорияси муаммо сифатида                                    |  | <b>38</b> |
| 2.2. Ўзбек тилида келишик категорияси   |  | <b>44</b> |
| 2.3. Қиёсланаётган тилларда посессивлик майдонининг ифодаланиш хусусиятлари               |  | <b>56</b> |
| <b>Иккинчи боб юзасидан хулосалар</b>   |  | <b>62</b> |
| <br>  |  |           |
| <b>III. БОБ. Инглиз ва ўзбек тилларида посессивлик категориясининг концептуал таҳлили</b> |  | <b>65</b> |
| 3.1. Когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг асосий ҳолатлари                     |  | <b>65</b> |
| 3.2. Қиёсланаётган тилларда посессивлик тушунчасининг миллий-маданий хусусиятлари         |  | <b>72</b> |
| 3.3. Қиёсланаётган тилларда посессивлик тушунчасининг гендер жиҳатдан ўзига хосликлари    |  | <b>77</b> |
| <b>Учинчи боб юзасидан хулосалар</b>  |  | <b>84</b> |
| <b>Яқуний хулосалар</b>   |  | <b>86</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>   |  | <b>90</b> |

## Кириш

*Мавзунинг долзарблиги.* Ҳозирги кунда илм–фаннинг жадал равишдаги тараққиёти натижасида ХХІ асрнинг бошланиши фан–техника, ҳамда уларнинг барча йўналишларида ривожланиш сезиларли даражада амалга ошмоқда. Шу жумладан, мустақил Ўзбекистонда ҳам бундай ривожланишни фан ва техниканинг барча соҳаларида кўриш мумкин. Мамлакатимизда илм–фаннинг барча тармоқларини тараққий топтириш, илмий тадқиқот ишларини жадал олиб бориш учун зарур шарт–шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, ўзига хос юксалиш йўлида бораётган мустақил Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “ Биз дунёдаги тараққий қилган давлатлар сафига киришни мақсад қилар эканмиз, авваламбор, олимларимиз кам ўрганилган, долзарб муаммоларни тадқиқ қилишга киришиши, уларнинг илми, обрўси оламда машҳур бўлиши, жаҳон илм–фанининг юксак мезонларига мос бўлиши даркор. Биз кучларни бирлаштирмасак, илмий ишлар самарадорлигини оширмасак, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлай олмаймиз”[Каримов, 1999, 14-15].

Ҳозирги вақтда ҳорижий тил муаммоларини ўзбек тили масалалари билан боғлаб ўрганиш, уларнинг тафовутли ва мутаносиб томонларини солиштириш, жумладан, турли тизимга тегишли бўлган инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик (эгаллик)нинг категорияланиш муаммоси ва унинг категориал мавқеини кўрсатиш, ҳамда бугунги кунда тилшуносликнинг долзарб йўналишлари бўлмиш лингвокультурология ва когнитив тилшунослик ёрдамида унинг аҳамиятини аниқлаш *долзарб муаммолардан* ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир даврда ўз ривожланиш жараёнига кўра тилшунослик ва унинг турли соҳалари тараққий этган. Хусусан, тилшунослик тарихида асосан қардош тиллар орасида қиёсий-тарихий қарашлар мавжуд бўлган

бўлса, ўтган асрда ҳукмрон бўлган структурал парадигманинг ўрнини антропоцентрик, функционал, когнитив ва динамик парадигмалар мажмуи эгаллади. Антропоцентрик парадигмада бу изланувчи қизиқишларининг англаш объектларидан субъектига ўтиш, бошқача қилиб айтганда инсондаги тил ва тилдаги инсон таҳлили тушинилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмасида когнитив тилшунослик ва лингвокультурология бугунги кунда энг долзарб йўналишлар ҳисобланади. Когнитив тилшунослик тилни трансформацияланишида ва кодлаштирилишида когнитив механизм сифатида ўрганса, лингвокультурология эса маданият билан тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини, тилни маданиятнинг феномени сифатида ўрганади. Шунингдек, поссессивлик категорияси масаласи хусусида тилшуносликнинг бу соҳаларига доир изланишлар айниқса, қиёсий тадқиқотлар етарли эмас. Қолаверса, поссессивлик категориясининг инглиз ва ўзбек тилларида унинг категориал мавқеи, даражавий ифодаси, ҳамда тилшуносликнинг юқоридаги йўналишлари орқали концептуал таҳлили илк маротаба қиёсий равишда таҳлил қилиниши ўзига хос аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мазкур диссертацион тадқиқот ўта долзарбдир.

***Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.*** Тилшуносликнинг грамматика бўлими, жумладан, морфологиядаги келишик категорияси доимо тилшунос олимларнинг диққат марказида турган масалалардан биридир. Айниқса, инглиз тилида бу муаммо узоқ йиллардан буён тилшунослар орасида мунозарали баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Чунки инглиз тилида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ отларнинг келишик категориясини икки хил йўл билан, яъни шакл ёки маъно хусусиятига кўра ажратиш масаласи мавжуд. Хусусан, инглиз тили от сўз туркумида келишик категориясининг мавжуд эмаслиги масаласини биринчи бўлиб рус тилшунослари (Г.Воронцова, А.Мухин, Б.Ильиш) томонидан кўтарилганди. Уларнинг фикрини қўллаб–

қувватлаган ҳолда И.Иванова, В. Бурлакова, Г.Почепцовлар инглиз тилида келишиқ категориясини рад этадилар.

Ўзбек тилида у отнинг категорияларидан бири бўлиб, тор доирада келишиқ категорияси билан бир қаторда фақат қўшимчалар орқали ифодаланиши кўрсатилган (Ф.Абдуллаев, Ш. Раҳматуллаев, А. Кононов, Б. Серебренников, Н. Гаджиева).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Турли тизимдаги тилларда, хусусан инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг даражавий ифодаси, когнитив ва лингвокультурологик аҳамиятини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- инглиз ва ўзбек тилларида келишиқ категориясини муаммо сифатида талқин қилиш;
- поссессивлик тушунчаси ва унинг категориал мавқеини аниқлаш;
- лексик ва сўз ясовчи бирликлар даражасида поссессивлик категориясининг ифодаланиш хусусиятларини аниқлаш;
- синтактик воситалар орқали поссессивлик категориясининг ифодаланиш хусусиятларини ёритиб бериш;
- сўзларнинг турли лексик–грамматик кўринишларида поссессивлик категориясининг ифодаланиш хусусиятларини аниқлаш;
- қиёсланаётган тиллар тизимида поссессивлик тушунчасининг миллий–маданий хусусиятлари ёритиб бериш;
- қиёсланаётган тиллар тизимида поссессивлик тушунчасининг гендер жиҳатдан ўзига хосликлари таҳлил қилиш;

**Тадқиқот объекти.** Турли тизимдаги тилларда жумладан, инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категорияси тадқиқотнинг объекти қилиб олинган.

**Тадқиқот предмети.** Инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг когнитив ва лингвокультурологик аҳамияти тадқиқотнинг предмети сифатида ўрганилади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотни ёритишда унинг мақсади, вазибалари ва танланган мавзу асосида қуйидаги инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг когнитив ва лингвокультурологик аҳамиятини қиёслаб таҳлил қилиш ва уни кўрсатиш учун қиёсий–типологик, трансформацион, функционал таҳлил, тавсифий, когнитив–концептуал ҳамда моделлаштириш методлардан фойдаланилади.

**Тадқиқот материаллари.** Тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларидаги изоҳли, фразелогик луғатлардан, шунингдек, инглиз ва ўзбек ёзувчиларининг бадиий асарларидан олинган мисоллардан фойдаланилади.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида илм-фанни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини илмий таҳлил этиш тўғрисида билдирилган ижтимоий ва фалсафий фикрлари, қолаверса, бизгача бу соҳаларда тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрлари, изланишлари ва ғоялари асос бўлади. Шу билан бирга, тилшуносликнинг янги йўналишлари лингвокультурология ва когнитив тилшуносликда самарали изланиш олиб бораётган Р. Лангакер, Р. Джекиндоиф, Ч. Филлмор, Е.В. Рахилина, А. Вежбицкая, Е. С. Кубрякова, Ю. С. Степанов, В. И. Карасик, М. В. Пименова, Г. Г. Слышкин, хусусан ўзбек тилшунослари А. Абдуазизов, Ў.Қ. Юсупов, Д.У. Ашурова, Ш.С. Сафаров, М.И. Расулова, С.Рахимов каби тилшуносларнинг илмий тадқиқотлари ҳам алоҳида аҳамиятга лойиқдир.

**Илмий фараз.** Инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг даражавий ифодаси ва унинг концептуал таҳлилини типологик йўналишда амалга оширилса, қиёсланаётган тиллар тизимида унинг миллий–маданий, ҳамда гендер жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** сифатида:

- турли тизимга тегишли бўлган инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг алоҳида категория сифатида гавдаланиши;
- унинг категориал мавқеи, кенг доирадаги таҳлили;
- бугунги кунда тилшуносликнинг янги ва долзарб йўналишлари бўлмиш лингвокультурология ҳамда когнитив тилшунослик ёрдамида умумий тилшуносликда унинг аҳамиятини аниқлаш;
- унинг даражавий ифодаси;
- концептуал таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари қиёсланган ҳолда таҳлил қилиниб очиб берилиши кўзда тутилмоқда.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти.** Ушбу диссертациянинг назарий аҳамияти шундан иборатки, бу илмий тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг ифодаланиш усуллари қиёсий, морфологик, лексик–синтактик, лингвокультурологик ва когнитив ҳолатлари ёритилади. Ушбу масаланинг ўзбек ва инглиз тиллари мисолида ўрганилиши қардош бўлмаган тиллар қиёсий грамматикасини шакллантиришга, нафақат отга хос бўлган бу категориянинг келиб чиқиши ҳамда реконструкциясини аниқлашда, шунингдек, инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида поссессивлик муносабатларнинг категорияланиш муаммоларини лингвокультурологик ва когнитив нуқтаи назардан тушунишда илмий назарий манба бўлади.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Илмий ишнинг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, қиёсий типологиядан маърузалар тузишда ва амалий машғулотларда поссессивлик категориясининг қаратқич келишиги билан фарқлаб ажратишда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, инглиз ва ўзбек тилларида қиёсий типология фанидан маъруза матнлари тузишда, таржима назариясида ва таржима амалиётида олиб бориладиган машғулотларда, умумий тилшунослик, қиёсий грамматика, матн таҳлили каби фанлардан олиб бориладиган машғулотларда, ҳамда ўқув дарслик қўлланмалар тузишда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари 2 та мавзуга доир илмий мақола эълон қилинган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Ушбу диссертацион тадқиқот кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти, предмети, илмий янгилиги, назарий аҳамияти, амалий қиммати, йўналиши, тадқиқот материали, методлари, методологик асоси, илмий фарази, натижаларнинг жорий қилиниши ва диссертациянинг тузилиши ҳамда қисқача мазмуни ҳақида ёритилиши кутилмоқда.

Диссертациянинг **биринчи боби** “Тадқиқотнинг назарий асослари” деб номланиб, унда масаланинг ўрганилиш тарихи, келишик категориясининг тутган ўрни, поссессивлик тушунчасини категориал мавқеини ёритиш ва семантик майдон сифатида таҳлил жараётини амалга ошириш каби масалалар кўрилди..

Диссертациянинг **иккинчи боби** “Инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг даражавий ифодаси” дея номланиб, унда инглиз тилида келишик категорияси муаммоси, ўзбек тилида келишик категориясининг ифодаланиши ҳамда иккала қиёсланаётган тилларда поссессивлик категориясининг турли тил қатламларида ифодаланиш хусусиятлари ўрганилди.

Тадқиқотнинг **учинчи** “Инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг концептуал таҳлили” **бобида** инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категорияси концептуал таҳлил қилинди. Унда когнитив тилшунослик ва лингвокультуралогиянинг асосий ҳолатлари ёритиб берилди. Дунёнинг концептуал кўринишида эгалик тушунчасининг роли аниқланиб,



қиёсланаётган тиллар тизимида эгалик тушунчасининг миллий–маданий хусусиятлари ва гендер жиҳатдан ўзига хосликлари таҳлил қилинди.

Ҳар бир боб қисқа хулосалар билан якунланди.

*Хулоса* қисмида тадқиқот натижалари ёритилади ва хулосалар умумлаштирилди.

## *1 боб. Тадқиқотнинг назарий асослари*

### *1.1. Масаланинг ўрганилганлик даражаси*

Инглиз тилида келишик категорияси от сўз туркумининг формаси бўлиб, у гапда от ва олмошларнинг бошқа сўзлар билан синтактик алоқасини ифодалайди. Инглиз тилида келишик форма ва унинг таркибий қисмлари жиҳатидан, шунингдек, маъно ва функциялари жиҳатидан узоқ йиллар давомида тилшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Инглиз тилида келишик категорияси турли тилшунослар томонидан турлича талқин қилиниб келинган. Жумладан, М.Дейчбейн, Ж.Вебер, Г.Суит, Ч.Филлмор, О.Есперсен, А.Брайент, А.Маркуордт, Б.Ильиш, А.Мухин, Н.Слюсарева, Б.Хаймович, Г.Воронцова, В.Плоткин каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг тадқиқотлари натижасида инглиз тилида келишик категорияси мавжуд эмас, деган хулосадан тортиб, келишик категорияси маъно жиҳатдан чексиз кўринишга эга, деган фикрлар пайдо бўлган. Шу ўринда аслида инглиз тилида келишик категорияси мавжудми, деган муаммоли савол юзага келади. Бу саволга жавоб уни қайси йўл билан талқин қилинишига боғлиқ, яъни у форма жиҳатдан ёки маъно муносабати орқали таркибий талқин қилинишига боғлиқ. Келишик формаси масаласи келишикнинг ўзи каби муаммоли масаладир. У флектив ва флектив бўлмаган мофология тарафдорлари ўртасида қатор мунозараларга сабаб бўлиб келган. Улар орасидаги мунозараларнинг сабаби бу грамматик категорияга турлича ёндашиш бўлган. Агар унга форма жиҳатдан ёндашиладиган бўлса, унда флектив, аффиксал формадан бошқа форма қабул қилинмайди, предлог ва кўмакчилар морфологик таркибга киритилмайди. Агар унга маъно жиҳатдан ёндашиладиган бўлса, у ҳолда флексия (аффикс) ва предлог бир хил грамматик муносабатга эга бўлиб қолади. Шунини таъкидлаш керакки, келишик орқали ифодаланаётган боғланишлар отларнинг ўзининг формаси (турлана оладиган ҳамма сўзлар, от, сифат, сон, олмош каби сўзларнинг ўзагининг келишик қўшимчасини олмаган шакли) билан ифодаланган бўлиши керак. От

формасига тегишли бўлмаган бошқа ҳамма воситалар (предлог, сўз тартиби) морфологик категория деб ҳисобланмайди, шунинг учун келишик категорияси бўлолмайди.

М.Дейчбейннинг қарашларига кўра келишик от ва олмош каби сўзларни гапнинг бошқа бўлакларига боғловчи восита сифатида қаралади. Келишик тил муносабатларида:

- а) келишик қўшимчалари билан
- б) сўз тартиби билан
- в) предлоглар билан ифодаланиши мумкин.

Ўз нуқтаи назарларини изоҳлаган ҳолда М.Дейчбейн замонавий инглиз тилида маъно ҳусусиятига кўра келишикларни тўртга ажратади: бош ва тушум келишиклари гапда сўз тартиби билан ифодаланган келишиклар, жўналиш келишиги гапда сўз тартиби орқали “аниқ объект”ни (масалан, I give John a book , воситали тўлдирувчи John воситасиз тўлдирувчи a book дан олдин келган ҳолда) ёки to шаклидаги предлог билан ифодаланган келишик ва s-формали от ҳамда of предлоги билан ифодаланган қаратқич келишиги. Унинг фикрича, келишиклар ҳар доим ҳам қўшимчалар билан ифодаланиши шарт эмас. Баъзи ҳолларда келишиклар предлоглар билан ҳам ифодаланиши мумкинлигини айтади [Deutschbein,1931, с.155–261.]. Лекин келишикларни форма жиҳатдан ифодаланишини ҳисобга олмаган ҳолда фақат гапдаги функциясига кўра ажратиш инглиз тилида келишик синтаксисини тушунишда қийинчилик туғдиради. Чунки унинг назариясига кўра of, for, to предлолари билан ифодаланган конструкциялар келишик ҳисобланиб, from, into, in, with ва х.к. каби предлоглар билан ифодаланган конструкциялар эса келишик таркибига киритилмаган. Шунинг учун унинг келишиклар миқдорини белгилашдаги бу назариясини мукамал деб бўлмайди.

Ж.Вебер инглиз тилида келишикларни семантик жиҳатдан бештага ажратади: бош келишик, қаратқич, тушум, жўналиш ва чақириқ келишиги,

бундан ташқари предлоглардан кейин қўйиладиган “ сўзнинг келишиксиз формаси” (*kasusfreie Wortform*) ҳам мавжуд деб ҳисоблайди [Weber, 1934, p.15].

Г.Суит эса масалага бошқача ёндашиб, инглиз тилидаги келишикларни бошқа тиллардаги келишиклар билан солиштириб ўрганади ва баъзи келишикларни инглиз тилидаги оборотлар билан ифодалайди. Шу тарзда у келишикларни форма жиҳатдан ажратиб, инглиз тилида қўшимчаси билан ифодаланган фақат битта келишик, яъни қаратқич келишиги (*man's*) мавжудлигини, қўшимчасиз кўринишини эса умумий келишик (*common case*) ифодалашини ва латин тилидаги каби ўз ичига бош, чақирик, тушум ва жўналиш келишикларини олишини таъкидлайди [Sweet, 1940, p.49–59 ва p.312–314.].

Г.Суит ва Ж.Вебер М.Дейчбейннинг келишикларнинг предлоглар билан ифодаланиши ҳақидаги қарашларига қўшилмайдилар. Г.Суит предлогли оборотларни келишик деб ҳисобламайди [Sweet, 1940, p.53.].

О.Есперсен ҳам инглиз тилидаги келишикларни морфологик жиҳатдан таҳлил қилиб, предлогли оборотларни келишик таркибига киритмайди. У инглиз тили келишикларида жўналиш ва тушум келишиклари мавжуд, деган фикрларга қарши чиқади. О.Есперсен “Грамматика фалсафаси” (“Философия грамматики”) китобида келишик категориясига алоҳида тўхталиб ўтиб, тушум ва жўналиш келишикларини замонавий инглиз тили грамматикасида рад этади ва бу фикрни аниқ тарзда изоҳлайди [Есперсен, 1958, с.198–213.]. Унинг фикрича, тушум ва жўналиш келишикларининг маъноларини аниқ ажратиб бўлмайди. Масалан, *hit him a blow* “унга зарба бермоқ” сўз бирикмасидаги *him* воситали тўлдирувчими (жўналиш келишиги), *a blow* воситасиз тўлдирувчими, ёки аксинча, *him* бу воситасиз тўлдирувчи ва *a blow* субъект (инструменталис)ми? *hit him (a blow)* сиз) оддий сўз бирикмасидаги *him* нинг функцияси ҳақидаги саволга кўпчилик уни воситасиз тўлдирувчи ва тушум келишиги билан ифодаланган, деб жавоб берган бўлар эди. У яна бир қанча шунга ўхшаш мисоллар келтириб, инглиз тилида келишикларни семантик

жиҳатдан ажратишни нотўғри, деб билади. Келишикларни бундай ажратиш уларни синтактик жиҳатдан тушунишда мураккабликлар келтириб чиқаради.

Отнинг синтактик функциясига кўра ҳам келишиклар тўрттага ажратилган (Кёрм, Кеннеди ва б.қ.): бош келишик—эга келишиги, қаратқич келишиги—аниқловчи келишиги, тушум келишиги—воситасиз тўлдирувчи келишиги ва жўналиш келишиги—воситали тўлдирувчи келишиги. Кёрм бу келишикни нафақат *to* ва *for* предлогли конструкциялар билан балки *at* предлоги билан ҳам ифодаланишини таъкидлайди [Curme, 1931, p.455.]. Бу система формага ҳам, семантикага ҳам боғланмагани учун тилшунослар орасида унчалик қўллаб қувватланмади. Чунки бу ёндашув келишикни кўпроқ морфологик категориядан кўра синтактик категорияни ифодалаётган эди.

Бундан ташқари, инглиз тили грамматикасида аналитик келишиклар назарияси ҳам мавжуд. Аналитик келишиклар бу отнинг предлоглар билан ифодаланишидир. Илгари предлоглар келишикларнинг ёрдамчилари бўлиб хизмат қилишган, кейинчалик эса улар келишикларнинг эквивалентлари, деб ҳисобланган. Бу назария асосида иш кўрадиган бўлсак, унда келишикларнинг маънолари чексиз бўлиб кетади. Чунки предлогларнинг отлар билан бирга ифодаланиши гапнинг ҳеч қандай аналитик формасини белгиламайди. Шунинг учун улар морфологияга эмас, синтаксисга тегишлидирлар. Масалан, *to a man*—жўналиш келишиги, *of a man*—қаратқич келишиги, *in a man*—ўрин—пайт келишиги ва ҳ.к. О.Есперсен келишикларни ажратишнинг бу йўналишини танқид қилиб, уларни “предлогли гуруҳлар” деб атайди [Есперсен, 1958, 404с.]. Шу сабабли келишик бўлиб фақат отларнинг ўзининг сўз ўзгартирувчи формалари хизмат қилиши мумкин.

Америка дискриптивизми субституция принципига асосланган ҳолда инглиз тилида келишикларни учтага ажратишни таклиф қилади (Моррис, Адамс, Уэст ва б.қ.): умумий келишик (олмошларда *he*), қаратқич келишиги (*his*) ва объектли келишик (*Ask John-him*). Келишикларни бундай ажратиш ҳам унинг мунозарали масалаларига ойдинлик кирита олмайди. Бу турдаги

ажратилган келишиклар кўпинча олмошларга хос бўлиб қолади. Чунки объектли келишик атоқли от билан ифодаланганда у ҳеч қандай белгисиз ишлатилади (*ask John*). Бунда у яна гапда келган маъно хусусиятига кўра таҳлил қилинади.

Г.Н.Воронцова келишик категорияси фақат олмошларда, яъни ўзлик ва сўроқ олмоши “who” да мавжуд, дейди [Воронцова,1960,с.168.]. У ўзлик олмошларининг икки келишикли формаларини бош (Nominative) ва объектив (Objective)ни “биринчи” ва “иккинчи” ёки “воситали” ва “воситасиз” каби терминларга ажратишни таклиф қилади. Лекин бу билан келишик категорияси фақат олмошларга тегишли, деган қарорга келиш ноўрин, чунки келишик категорияси асосан отларни бошқа сўзларга боғловчи морфологик категориядир, яъни келишик тил ва нутқни, тўғрироғи, морфология ва синтаксисни бир–бирига боғловчи категориядир.

Б.С.Хаймович ва В.Я. Плоткин Г.Суитнинг икки келишикли назариясини мақуллаган ҳолда замонавий инглиз тилида отларнинг иккита келишик категориясини талқин қиладилар: умумий келишик (common case) ва қаратқич келишиги (possessive case). В.Плоткиннинг таъкидлашича, келишикнинг бу каби қисқариб кетиши уни соддалашувига олиб келди ва унинг семантикасини тушунишни осонлаштирди [Плоткин, 1975, с.27.].

Б.А.Ильиш ҳам инглиз тилидаги отларда икки келишикли системани кўллаб қувватлайди: умумий келишик (common case) ва қаратқич келишиги (genitive case). У қаратқич келишигини иккига ажратади: absolute genitive (абсолют генетив) ва dependent genitive (тобе генетив).

Ч.Филлмор ўзининг “Келишик масаласи ҳақида” (“Дело о падеже”) мақоласида келишикларнинг тушунчаларини очиқ беришга ҳаракат қилади. У келишикларни “*deep structured cases*”, яъни алоҳида келишикларни ишлаб чиқади: агентив – жонли ҳаракатларнинг феъл билан муносабатини ифодаловчи келишик; инструменталис – жонсиз куч ёки предметнинг феъл билан муносабатини ифодаловчи келишик; датив – феълнинг ҳаракати билан

боғланувчи жонли отлар келишиги; фактатив – феълнинг ҳаракат ёки ҳолати ёки маъноси натижасида осил бўлган предмет ёки мавжудотнинг келишиги; локатив – ўрин–жойни ифодаловчи келишик ва объектив келишик. Шу билан бирга ушбу келишикланинг генератив грамматикада қўлланилиши тўғрисидаги қарашларни изоҳлайди.

Р.Лонгакр ташқи структурал схемаларнинг чуқур муносабатлари ва ролига кўра ролли (келишикли) схемани таклиф қилади ва инглиз тилида ўнта келишикни келтиради: экспериенсер, пациент, агент, ранг, ўлчов, инструмент, локатив, манба, мақсад, йўналиш келишиклари. Экспериенсер – ташқи ва ички таъсирларга муносабат билдирувчи тирик жон; пациент – бирор физик ёки ҳолатини ўзгартириши мумкин бўлган предмет ёки жон; агент – ҳаракатни ривожлантирувчи тирик жон ёки ҳаракатланувчи жонсиз предмет; ранг – предиикатни ривожлантирувчи ёки тугатувчи отли гуруҳ ва хоказо (Longacre, 1976, p23.). Р.Лонгакр келтирган мисолларда ҳамма роллар аниқ кўрсатилган: *experiencer – I am hot, I am happy; patient – the bolt is loose; Tom gave Dick a book; agent – John broke the dish; The machine is functioning; The earth rotates on its axes; range – Caruso sang a song; John made a table* (Филлморга кўра бу фактатив); *measure – It weights six pounds; instrument – John cut the rope with the knife; locative – The house stands in the park; source – Tom fell off the chair; goal – The boat drifted from the left to the right bank; path – The boat drifted across the river.*

Демак, кўпчилик тилшунос олимлар инглиз тилидаги отларда келишик масаласини кўриб чиққан. Баъзилари англо – саксон даври ва замонавий немис тилидан ҳамда, нафақат форма балки сўз тартиби ва предлогли конструкциялардан келиб чиққан ҳолда келишикларни ажратадилар (Дейчбейн, Керм, Кеннеди ва б.қ.). Бошқалари эса синтактик жиҳатдан мустақил ва тобе бўлган отлар ва уларнинг ўрнида ишлатилиши мумкин бўлган олмошлар (ўзлик ва сўроқ олмоши “who”)дан урта келишик ҳосил қилганлар (Уэст, Крэйг, Пенс, Бейн, Эйгейт, Моррис, Адамс ва б.қ.). Бу

масалада жиддийроқ шуғулланган олимлар иккита келишикни илгари сурадилар – оддий форма ва ‘s билан ифодаланадиган флектив форма (Суит, Есперсен, Фаулер, Поустман). Отларга хос бўлган синтактик муносабатларига кўра предлогли конструкцияларни ҳисобга олмаган ҳолда (Зонненшейн, Вебер, Холл, Твентимен ва бошқалар) келишикларни бештага ҳам ажратишган. Келишикка синтактик жиҳатдан ёндашув тарафдорларидан (Ж.Грэтн ва П.Геррилар) келишикни отларни гапнинг бошқа бўлаклари билан муносабатида ҳосил бўлади, яъни келишик ташқи флексия ёрдамида, сўз тартиби ва предлоглар орқали ҳосил бўлишини таъкидлайдилар. Биринчи икки восита чегараланган, лекин охириги воситада фақат предлогларнинг турли ҳолатларида билдирадиган маънолари сонига кўра улар чексиздир. Шунинг учун инглиз тилида келишиклар сони “умуман чексиздир” (practically unlimited). А.Маркуорд эса инглиз тилидаги келишиклар турли олимларнинг турлича қарашларидан шунчалик чалкашиб кетганлигидан унинг маънолари тил фактларига тўғри келмай қолган. Шунинг учун бу соҳада яна янги тадқиқотлар олиб борилишига қарши чиқади (Marckwardt, 1946, p.134.).



### ***1.2. Посессивлик тушунчаси ва унинг категориал мавқеи***

Тилнинг грамматик қурилишини ўрганиш муайян тилдаги грамматик категорияларни ўрганишдан бошланади. Қиёсий грамматика эса грамматик категорияларни қиёсий ўрганади. Қиёсланаётган тиллар системаларидаги грамматик категорияларнинг урни ва ифодаланиш усулларини аниқлашнинг муҳим назарий аҳамияти бор. Бу биринчидан, ҳар бир қиёсланаётган тилни баён этиш жараёнини алохида-алохида ташкил қилиш учун, иккинчидан, бу тилларнинг ҳар бири учун хос бўлган умумий лингвистик универсалия ва баъзи хусусий формаларнинг мувофиқлашувини аниқлаш учун зарур. Аммо бундай муҳим лингвистик таҳлилнинг кўпгина масалалари ҳали тегишлича ҳал этилган эмас. Қиёслашнинг конкрет методикаси ишлаб чиқилмаган, бир системали ва кўп системали тилларнинг қиёслашнинг ягона принципи йўқ. Тилшуносликда ханузгача муайян конкрет тилларни лингвистик инвентаризациялаш ва қиёслашга доир тўла йиғилган эмпирик материал мавжуд эмас. Тил системаларининг барча ярусларини лингвистик баён этиш жараёни бошланган бўлса-да, у ўз такомиллашувини кутмоқда.

Шу сабабли, ҳозирги кунда тилшуносликқа илмий изланишлар кенг куламда олиб борилмоқда-ки, бу ходиса сўзсиз турли-туман назарияларни пайдо бўлишига сабаб булаяпти.

Бу назариялардан бири тилшуносликда тилнинг турли яруслари бирликлари иштрокида ифодаланувчи категориялар яратишдир. Ушбу муаммо кўп олимларни қизиқтириб келмоқда, чунки шу пайтгача конкрет тилларнинг грамматик системасини тадқиқ қилишда қўлланилаётган грамматик категориялар тушунчаси типологик тадқиқот учун етарли эмас.

Тилшуносликда турли олимлар томонидан тавсия қилинган категориал тушунчаларнинг энг асосийлари қўйидагилар:

- тушунча категорияси;
- функционал-семантик категория;

- грамматик-лексик майдон;
- типологик категория.

Бу методларнинг хаммаси ҳам маълум лингвистик тушунчани бир ёки бир нечта тил системасида ифода этишда лексик ва грамматик ярусларни бирга қўйиб ўрганиш тамойилини тавсия этади.

Юқорида айтилган категориялар ҳақидаги умумий маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

### *Тушунча категорияси*

Тушунча категориясининг пайдо бўлиши рус тилшунос олими И.И.Мешчанинов ва даниялик олим О.Есперсенларнинг номлари билан боғлиқдир. Қиёсий типологияда тушунча категорияси алоҳида ўрин тутди. Тушунча категорияси реал ёки логик категориянинг маълум лексик, морфологик ёки синтактик яруслар воситасида ифодаланишидир. Тушунча турли тилларда турлича ифодаланади. Баъзи тилларда у маълум грамматик формал воситалар иштрокида ифодаланиб, грамматик тушунчани англатиши. Баъзиларида эса махсус формал белгилар бўлмаганлиги сабабли грамматик тушунча англатмаслиги мумкин. И.И.Мешчанинов бу ҳақида шундай деб ёзади: "Инсон онгидаги ҳар қандай тушунча тил воситалари орқали ифода этилиши мумкин. Тушунча тасвирий йўл билан англатилиши, ўзининг ифодаланишида маълум система яратиши мумкин. Система яратишда тушунча категорияси албатта иштирок этади". И.Мешчаниновнинг фикрича тушунча категорияси махсус грамматик форма билан ифодалангандагина грамматик тушунча категорияси бўла олади.

Бирор тушунча категориясининг тилда ифодаланувчи формасини топишнинг турли тил системаларини қиёслашда катта амалий аҳамияти бор.

Тушунча категорияси логик категория билан лингвистик категориянинг таққосланишига асосланган.

Тушунча категорияси деганда, Отто Есперсен мавжуд тиллардаги тасодифий далилларга боғлиқ бўлмаган тилдан ташқаридаги тушунчаларни назарда тутди. У грамматикага оид (яъни махсус формаси) бўлмаган универсал категорияларни ифодалайдиган тил воситаларини эътиборга олмайди.

Отто Есперсен тушунча категорияларини барча тилларда қўллаш мумкин бўлган универсалия деб хисоблаб, грамматик форманинг ифода этилишида грамматик роднинг реал жинсга мос келмаганини таъкидлайди.

Отто Есперсеннинг тушунча категориясида аниқлик йўқ. Бир жойда у тушунча ва грамматик категориялар бир-биридан тубдан фарқ қилади деб ёзса, иккинчи жойда у улар ўртасида уйғунлик бор деб ёзди. Умуман, Отто Есперсеннинг тушунча категорияси логик ва грамматик категориялар ўртасидаги муносабатни аниқлаш жараёнида пайдо бўлган.

Тушунча категорияси хали яхши ишланмаган. Уни типологияга тадбиқ этиш соҳасида методик ва назарий маълумотлар йўқ.

Тушунча категорияси термини А.В.Бондарконинг фикрича унчалик қийин эмас, чунки у бутунлай тафаккур доирасини кўрсатади ва тил категорияси эмас, балки мантиқ тушунчасини назарда тутди. Шунинг учун ҳам тушунча категориясини улар "функционал-семантик категорияси" деб аташни тавсия қиладилар.

### ***Функционал - семантик категория***

Тилнинг ярус бирликларининг ўзаро бирикиб хосил қилган умумий функцияси ва уларнинг ўзаро муносабати асосида ажратилган категория функционал-семантик категориядир. Мазмун планида бу категория умумий семантик бирликни ташкил қилса, ифода планида у бир неча яруслар бирликлари билан ифодаланиши мумкин. Масалан, аспектуаллик функционал-семантик категорияси феълларнинг ўзаро оппозициясидан ташқари (вдуть-вдуть), яна бошқа сўз туркумларига кирувчи сўзлар билан бирга ҳам (иногда, время от времени, долго, всю ночь) ифодаланиши

мумкин. Юқорида келтирилган мисолларга асосланиб, А.В.Бондарко хозирги рус тилида темпораллик, модаллик, парсоналлик, аспектуаллик, нисбатлик каби функционал-семантик категориялар бор деб таъкидлайди.

Функционал-семантик категория ҳам типологик тадқиқотда анча қулай, бироқ у хали, биринчидан, яхши мукамаллашмаган бўлса, иккинчидан, типологик қиёслашга мулжалланган эмас.

### ***Грамматик- лексик майдон***

Маълум тушунчанинг грамматик ва лексик бирликлар воситасида ифодаланишига грамматик-лексик майдон дейилади. Бу категорияга биноан бирор умумий маъно бир-бири билан алоқадор бўлган лексик ва грамматик бирликлар воситасида ифодаланади. Масалан, Е.В.Гулига ва Е.И.Шендельс курсатишича, кўплик майдон (поле множественности) хозирги немис тилида қўйидагича ифодаланади:

- отнинг кўплик шакли билан;
- от билан мослашувчи сифат ва сифатдошнинг шакли билан;
- эга вазифасида келувчи от (ёки олмош) билан мослашувчи феълнинг тусланувчи шакллари билан;
- сон билан;
- миқдор олмоши билан;
- кўплик сондаги кишилик олмоши билан;
- жамловчи отлар билан.

Грамматик-лексик майдон бошқалардан ўзининг бирмунча мукамаллиги билан фарқ қилади, аммо у ҳам юқорида айтилганидек, бир тил системаси учун хизмат қилади.

Тилдаги маълум категорияни морфологик, лексик ва синтактик яруслар бирлиги иштрокида ўрганиш масаласи типологик қиёсий метод учун жуда зарур масалалардан бири ҳисобланади.

Қиёсий типологияда ўрганилаётган тиллар системасини таҳлил қилиш учун универсал категориялар ажратилиши лозим. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, ажратилган категориянинг ифода планидаги бирликлари грамматиканинг фақат морфологик яруси билан чекланмаслиги керак. Барча тил ярусларида ифодаланишнинг ҳамма воситалари аниқланмагунча қиёслаш тўла қийматга эга бўлмайди. Турли ярусда ифодаланадиган элементлар ўзаро боғлиқ бўлишини алоҳида ўқтириб ўтиш лозим. Масалан, ҳозирги замон инглиз тилида биз урганаётган эркалаш категорияси тилнинг барча яруслари, шу жумладан, синтактик ярус билан боғламай таҳлил қилиш мумкин эмас, чунки ҳар бир сўзнинг морфологик хусусияти фақат синтактик ярусда аниқланади. Бу парадигматика ва синтагматиканинг ўзаро алоқада эканлигидан ва бир-бирига боғлиқлигидан дарак беради. Нутқда эса бир ярусни иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Бинобарин лексик ва морфологик яруслар фонологик яруссиз, синтактик ярус фонологик, морфологик ва лексик ярусларсиз мавжуд бўлмайди, яъни қуйи ярус бўлмаса, юқори ярус ҳам бўлмайди. Шу сабабли, бирор тушунчани ўрганишда тилнинг барча тармоқларининг иштирокини аниқлаш керак.

Ифодаланишнинг барча шакллари аниқламай туриб тил системаларини инвентаризация қилиш мумкин эмас, деб таъкидлайди профессор Ж.. Буронов. Типологик қиёслашнинг биринчи босқичи бўлган инвентаризациясиз типологик тадқиқотни утказиш, бинобарин, тилдаги мувофиқликларни аниқлаш мумкин бўлмайди.

### ***Типологик категория***

Икки ва ундан ортиқ тилларни қиёслашда типологик категориялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки ажратилган тушунчани ўрганишда ва тил системасидаги ифодаланиш усуллари аниқлашда ушбу категорияларнинг ўрни ва ахамияти катта роль ўйнайди.

Типологик категория типологик маъно ва типологик шаклдан иборат.

Типологик маъно типологик категориянинг мазмун планини ташкил қилади. Типологик маъно - бу морфологик, лексик ва синтактик бирликларнинг ўзаро муносабати натижасида ҳосил қилинган умумий абстракт лингвистик маънодир. Типологик маъно турли ярусли бўлиб, уни ифода этишда тилнинг турли яруслари бевосита иштирок этади. У икки ёки бир неча тиллар системаси асосида тузилади. Типологик маъно грамматик ва лексик маъноларни ўз ичига олади ва ўрганилаётган тиллар системалари учун умумий маъно ҳисобланади.

Типологик шакл типологик маънони ифодаловчи қиёсланаётган тилларнинг турли ярус бирликларидир. Типологик шаклнинг инвариантлари турлича бўлиб, улар морфологик, лексик ва синтактик бирликлар билан ифодаланади. Типологик шаклни ифодаловчи воситалар морфологик ярусда сегмент ва супрасегмент морфемалардан, лексик ярусда сўз ясовчи аффикслардан ва мустақил лексик бирликлардан, синтактик ярусда эса сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

Шундай қилиб, биз танлаган поссессивлик маъносини ифодаловчи тушунча, типологик лексик категориялар туркумига мансуб бўлиб, қиёсланиш тилларнинг барча ярусларида, яъни лексик ва синтактик ярусларида турли-туман ифодаланиш воситалари мавжуд.

Хар бир тил яруси асосий маркерга эга бўлиб, ушбу маркерлар турли ярусларда турлича ифодаланиш хусусиятига эга. Тилнинг лексик ярусиди бу вазифани морфема бажаради, синтактик ярусиди эса - сўз бирикма, ёки бутун бир конструкция, фразеологик бирикма ва х. к.

### ***1.3. Тилшуносликда майдон тушунчаси***

Ҳозирги кунда тилшуносликда системавий тадқиқотларга жиддий эътибор берилди бошланди. Бу тадқиқотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, лингвистик фактларга автоном ҳолда ёндашмай, ҳар қайси ҳодисанинг остида яшириниб ётган моҳиятнинг очилишига эътибор берилади. Тадқиқотчи эътибори кўпроқ лингвистик ҳодисалар ўртасидаги муносабатни ёритишга қаратилади.

Ф.де Соссюр тилшунослар диққатини лингвистик birlikлар орасидаги муносабатни очишга қаратиб, муносабатнинг парадигматик ва синтагматик турлари мавжудлигини кўрсатган эди.

Лингвистик birlikларнинг муайян бирлаштирувчи маъно асосида маълум парадигмаларга бирлашуви кейинчалик тилшуносликда майдон назариясини вужудга келтирди.

«Майдон» атамаси қатор фанлар доирасида мавжуд бўлиб, жумладан, физикада: Майдон - физиканинг асосий тушунчаларидан бири эканлиги, фазодаги тақсимланган физик катталикларнинг хусусиятларини текширувчи назария ҳозирги вақтда майдон назарияси эканлиги қайд этилади.

Алгебрада эса қўшиш, кўпайтириш ва уларга тескари амаллар - айириш, бўлиш киритилган тўплам сифатида белгиланади.

Лингвистикада эса «маъно» (мазмун) умумийлиги билан бирлашган ва белгиланаётган \ҳодисаларнинг тушунчавий, предметлик ёки фуикционал ўхшашлигини акс эттирувчи тил birlikлари (асосан, лексик birlikлар) йиғиндиси майдон сифатида белгиланади (Лингвистический энциклопедический словарь, 1990, с.380).

Лингвистик birlikларнинг маълум маъно асосида бирлашуви, маълум бир тилдаги луғавий birlikларни ана шундай мазмуний уяларга бирлаштириш шарқ тилшуносдигида ривожланган. Кейинчалик XIX асда лингвистик birlikларни мазмуний гуруҳларга бирлаштириш ёки бутунни

маълум мазмуний гуруҳларга ажратиш ғояси Европада авж олди. Шунга кўра, бу назария Европа ги/ппунослиги билан узвий боғланиб қолди.

XIX асрда лексик (умуман, тил) бирликлар(и) умумийлигига М.Покровский томонидан эътибор қаратилди. Майдон тушунчасининг назарий талқини Й.Трир, Г.Ипсен, В.Порциг, Л.Вайсгербер, А.Йоллес ишларида кўзга ташланади, кейинроқ А.А.Уфимцева, П.И.Филичева, Ю.Н.Караулов, Г.С.Шчур кабилар ишлари билан бу назария ривожлантирилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, лингвистикага майдон назарияси мазмуний майдон тушунчаси сифатида кириб келди. Хўш, мазмуний майдон назарияси пайдо бўлишининг қандай асослари мавжуд?

Бу назариянинг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 20-30-йилларига тўғри келиб, у В. фон Гумбольдтнинг “тилнинг ички шакли” хусусидаги таълимотини қайта - янги йўналишда кўриб чиқилиши билан боғланади. Бу даврда узок давом этган лингвистик тадқиқотларнинг асосий объекти бўлган “тилнинг ички шакли” сифатидаги илмий баҳслар ушбу назариянинг дунёга келиши учун асос бўлди (Искандарова, 1999, с.45).

«Мазмуний майдон» термини ўша пайтда тадқиқотчилар томонидан турлича изоҳланди. Й.Трир мазмуний майдон сифатида “тушунчалар майдони”, “тушунчалар доираси”ни назарда тутди. Л. Вайсгербер “тил мазмунининг маълум қисми”, “таркибининг бўлаги”, В.Порциг “маъноларнинг моҳиятан боғлиқлиги”, Г.Ипсен мазмуний ва грамматик жиҳатдан боғланган сўзлар гуруҳини семантик майдон тарзида талқин этади. А.Йоллес эса уни “семантак бирлашиш” деб номлаб, унинг доирасида антонимик жуфтликларни белгилайди. Ф.Дорнзайф ва В.Вартбурглар тил луғавий таркиби - ажратилиш мумкин бўлган семантик гуруҳларида мазмуний майдонни кўрадилар.

Юқоридаги тадқиқотчилар мазмуний майдон атамасини ҳар хил тарзда изоҳлашларига қарамай, уларни семасиологик тадқиқотлар асоси бўлган “тил-



нинг ички шакли”ни тушунишда тилни ҳар томонлама ва турлича муносабатларда ўрганишлари билан бирлаштириш мумкин.(Уфимцева, 1961, с.31).

В.Гумбольдтнинг “ички шакл” таълимотини А.Вайсгербер ва Й.Трир тушунчавий моҳияти жиҳатидан, Г. Ипсен ва В.Порциг сўзларнинг мазмуний гуруҳи ҳамда системаси томонидан, Ф.Дорнзайф ва Й.Вартбург эса тилнинг луғат таркибига хос предметлик ва тушунчалар гуруҳи нуктаи назардан ривожлантирдилар.

Семасиологияда янгиГумбольдтчилик йўналишининг назарий асоси тилнинг тилнинг лексик бўлиниш қонуни ҳисобланади, тил структурасининг бўлиниш қонуниятлари “тилнинг ички шакли”дан келиб чиқади. В. фон Гумбольдт “тилнинг ички шакли” сифатида, аввало, чиқаётган товушнинг фикр ифодалаш даражасига кўтарувчи ақл фаолиятининг доимий элементини ту-шунади. Унинг кейинги даврдаги издошлари тил |ўрганишнинг асосий вазифаси “турли тиллар семантик структурасида янга-янги кўринишда, жумбоқли тарзда намоён бўлувчи ўзига хос тушунчавий ғоя”ни излашга олиб кслади, деб таъкидлайдилар (Звегинцев, 1957, с.266).

Фердинанд де Соссюр юқоридаги масалани ойдинлаштиришда янгиГумбольдтчиларга йўналиш яратиб берди, дейиш мумкин. Маълумки, Фердинанд де Соссюрнинг фикрича, тилнинг ўз системаси мавжуд бўлиб, у ўзаро шартланган ишоралар системасидир (Усмонов, 1072, с.92). Соссюр тилни бир-бирига қарама-қарши қўйилгандагина аҳамиятли бўлган шартли белгиларнинг ёпиқ системаси сифатида тадқиқ этиб, тилнинг бўлиниш қонунини янгидан кўрсатиб берди. Тилнинг маълум тузилма сифатидаги бўлиниш механизмини тушунтириб, у шундай ёзади: «лотинчада artikulus - нарсалар қаторининг аъзоси, қисми, бўлаги деган маънони англатади, ҳар қайси тил злементи ўз ичида ғоянинг товуш билан бирлаштирган кичик бир бўлак - artikulus дир, товуш эса ғоя учун белгидир (Соссюр. 1977, с.112).

Ҳар бир сўз ортида товуш, вазият ва тушунчавий алоқалар системаси ётади. Сўз кўп ўлчамли алоқаларнинг тўри (сеткаси) ҳисобланади. Нормал ҳолатда баъзи услубий алоқалар (масалан, образлилик) эътиборга олинмайди, маъновий алоқалар етакчилик қилади.

«Тилнинг фикрга бўлган муносабати характерли вазифаси ғояни ифодалаш учун моддий товуш воситасини ҳосил қилишда эмас, балки уни тафаккур ва товуш орасидаги воситачилигидадир. Бунда уларнинг бирлашуви бирликларнинг икки томонлама чегараланишига олиб келади. Табиатан айқаш-уйқаш (хаотик) бўлган тафаккур бўлини туриб бирор эҳтиёж натижасида ойдинлашади», - деб Соссюр тилнинг бўлиниш қонуниятларини фалсафий асослайди (Соссюр, 1977, с.113).

В. фон Гумбольдт ва унинг кейинги даврдаги издошларини Ф.де Соссюр билан тил структураси характерини ўз қонунлари билан ташкил этилган ёпиқ система сифатида тушуниш бирлаштиради. «Ҳар бир тил объектив реаллик устида турувчи ва унга қарама-қарши қуйилувчи танловлар системасидир», - деб таъкидлайди Й.Трир.

Тилшуносликда «майдон» тушунчасининг узил-кесил шаклланишига ёрдам берган ҳал қилувчи тадқиқотлардан бири Л.Вайсгербернинг ишлари бўлди. Л.Вайсгербернинг фикрича, тилни руҳий мазмунининг оддий воситаси сифатида эмас, балки дунёни интеллектуал шакли сифатида ўрганиш зарур, унингча, семасиология маънолар хусусидаги фан бўлмай, тушунчалар ҳақидаги таълимот бўлиши керак (Искандарова, 1999, с.13).

Й.Трир ва Л.Вайсгербер талқинидан фарқли ҳолда янги гумбольдтчиликнинг кейинги гуруҳ олимлари Г.Ипсен, В.Порциг, А.Йоллес, Ф.Дорнзайф, Ф. фон Вартбург сингарилар лингвистик тадқиқотлар объекти қилиб сўзлар гуруҳи ёки тилнинг бутун луғавий таркибини оладилар.

Г.Ипсен қадимги ҳинд-европа тиллари лексикасини қиёсий-тарихий жиҳатдан ўрганиш давомида «мазмуний майдон» терминини

биринчи марта шарқ тилларидаги металл номларини белгиловчи сўзлар гуруҳига нисбатан қўллаган бўлиб, у бу сўзларнинг ҳинд-европа тилларида функционал жихатдаи чегараланиб, алоҳида гуруҳни ташкил этишига асосланган.

В.Порциг эса семасиология фанига мазмуний майдоннинг ўзига хос тушунчасини олиб кирди, у майдон назариясини нутқни ўрганиш асосида очиб беришга интилди. Унингча, мазмуний майдон маълум тилдаги сўзлар орасида ўрнатилувчи асосий муносабатлар билан боғланади ҳамда предикатив вазифани бажарувчи феъл, сифат ва отлар орасидага боғлиқликдан келиб чиқади.

В.Порциг билан бир вақтда Ф.Йоллес ҳам тилшуносликка мазмуний майдоннинг янги талқинини киритди. У маълум бутунликка мансуб бирликлар шу бутунликнинг бирор жихатини ифодалаши билан шу гуруҳга хосланишини кўрсатди.

Майдон назарияси муаммолари бўйича кейинги йилларда қатор тадқиқотлар олиб борилди. Г.С.Шчур майдон муаммолари юзасидан мингдан ортиқ мақолалар эълон қилинганини таъкидлайди (Шчур,1974,с.19). Бундай назарий тадқиқотларни атрофлича урганиб, уларни умумий тарзда тарихийлиги нуқтаи назаридан ва қўйилган муаммолар жихатидан маълум гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунда асосан назариянинг алоҳида тушунчаларини хронологик йўналишда кўриб чиқиб, уларнинг исбот қилиниши, назариянинг қўйилаётган муаммолари жихатидан ўрганилиши, шунингдек, майдон назариясини тарихийлик ва муаммолар таҳлили билан биргаликда олиб борилиши нуқтаи назаридан фарқлаш мумкин.

Лингвистикада майдон назариясининг кейинги йиллардаги ривожини шу даражага етдики, унинг ғоялари ва методлари тилнинг лексик сатҳидан бошқа сатҳларга нисбатан ҳам татбиқ қилина бошланди (Шчур,1970, с.3-10; Филичева,1977). Дастлабки тадқиқотлар мазмуний майдон доирасидан келиб

чиқиб, турли луғатлар (кўпроқ тезауруслар) тузиш умуи умумий қонуниятларни очишда назарий асос бўлди. Кейинроқ бу йўналишда тилнинг бошқа сатҳлари, жумладан, морфосемантика, грамматика сингарилар доирасида ҳам жиддий асарлар юзага келди.

Майдон тушунчасининг талқини ҳамда унга хос хусусиятларга айрим ҳолда ёндашув майдон назариясини тадқиқ этишнинг турлича муаммоларини вужудга келтирди. Бунда майдон чегараларининг аниқлиги, майдоннинг автономлиги, бутунлиги, узлуксизлиги жиҳатидан тил бирлиги сифатида қаралиши ҳолда ёки майдон мустақиллигининг нисбийлиги, майдонлар ўзаро муносабатининг кенг характерга эгаллиги бўйича тил birlikларидан фарқланувчи томонлари асосидаги муаммолар; майдонлар тузилиши (майдонда очик - бўш ўриннинг бўлмсллиги) муаммолари; кўп маъноли сўзларнинг фақат бир майдонга мансублиги ёки бир неча майдоннинг элементлари бўлиши мумкинлиги асосида майдон ва полисемия муносабатлари муаммолари ўртага гашланди. Майдоннинг у ёки бу хусусиятларига таяниб, ушбу муаммолар тадқиқотчилар томонидан турли- туман равишда ўз ечимини топмоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҳам майдон талқини билан боғлиқ бир қатор қарашлар юзага чиқмоқда (Собиров, 2004, Мирзақулов, 1994, Абдувалиев, 1988, Искандарова, 1999, Нишонова, 2000, Ҳакимова, 2004, Ваққосова, 2005, Ҳожиёва, 2001, Сафаров, 2004).

Шундай қилиб, ўзбек тилшунослигида тил birlikларини майдон асосида ўрганиш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу усул, бизнинг назаримизда, айниқса, лексикани ўрганишда катта аҳамиятга эга. Ўзбек тили лексикасини макромайдон сифатида қаралгани ҳолда, уни микромайдонларга ажратиш тезауруслар, идеографик дуғатлар тузишда катта самара беради. Шунинг учун ҳам лингвистик майдон ва тил луғат таркибини бундай майдонларга ажратишнинг назарий асосларини чуқур, атрофлича ўрганиш ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдидаги энг долзарб муаммолардан саналади.

#### *1.4. Посессивлик категориясининг семантик майдони*

Кейинги йилларда анъанавий лексик семантика билан бир қаторда янги йўналишлар ҳам ривожланмоқда. Булар қаторига структур семантика, генератив семантика, концептуал семантика, коммуникатив семантика, психолингвистик семантика каби ларни киритиш мумкин. Анъанавий семантика асосан алоҳида сўз ёки гуруҳларининг ишлатилиши ва ривожланиш босқичларидаги маъноларини ўрганса, структур семантика (у М.М.Покровский, Ф.де Соссюр, Л. Ельмслев, Й.Трир, В.Порциг, Л. Вайсгербер, Л.Теньер ва уларнинг издошлари томонидан ишлаб чиқилди) ўз олдида лингвистик маънолар, лексик-семантик парадигма ва бошқа турдаги семантик майдонларнинг систем алоқаларини ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Жаҳон тилшунослигида структур семантика формализм ва релятивизмдан халос бўлиб, систем тилшуносликнинг муҳим қисмларидан бири сифатида қаралувчи систем семантикага айланиб қолмоқда. Коммуникатив семантика эса нутқий жараёнларни ўрганиш билан характерланади, чунки лингвистик (систем) ва лингвистик бўлмаган маънолардан ифода (кенг маънодаги дискурс ва матн) ларнинг аниқ мазмуни келиб чиқади.

Тил (мазмуний) мундарижасини майдон методи билан ўрганиш энг самарали ва қулай методлардан бири бўлиб қолди. Майдонларни лексик-семантик (ЛСМ) ва функционал-семантик (ФСМ) майдонларга ажратишда оппозитив, компонент таҳлил ҳамда контекстологик таҳлил методлари ўзига хос ёрдам беради.

Кўпчилик тилшунос олимлар томонидан тил (нутқ) бирликларининг лексик-семантик жиҳатдан бир-бири билан боғланган эканлиги қайд этилган. Хусусан, Ф.де Соссюр лингвистик бирликлар ўртасидаги бир неча муносабат турларини кўрсатган бўлса, М. Покровский сўзлар бир-бири билан онгимиздан ташқарида маъноларининг маълум томонлари билан алоқадорлигини таъкидлаганди. Унингча, ҳар қандай тилда сўзларнинг ўзига хос бўлган семантик гуруҳлари бўлиб, уларнинг хусусий белгилари бошқа

тиллар билан қиёсан очилади. Аммо М. Покровский томонидан қўйилган муаммо грамматик планда ўрганилди. Ана шу йўлдан бориб В.Виноградов сўзларнинг лексик маънолари турларига «предикатив» маъноларни ҳамда грамматикадаги айрим категорияларни қўшди.

А.Р.Лурия ҳар бир сўз муносабатларининг бутун бир мураккаб тизимини юзага келтиришни қайд этади. Унинг фикрича, сўз бутун семантик тўрнинг (сетканинг) маркази бўлиб, сўз структурасининг муҳим психологик аспекти бўлган муайян семантик майдонни фаоллаштиради (Лурия, 1979, с.91).

Ғарбий Европа тилшунослигида Й.Трирнинг мазмуний майдон назарияси сўзларнинг лексик-семантик алоқалари ҳақидаги қарашларда муҳим ўрин тутди.

Сўзларнинг лексик-семантик гуруҳдари ўз ичига икки ёки ундан ортиқ сўзларни уларнинг лексик маънолари бўйича бирлаштиради.

Тил ҳодисаси сифатида сўзларнинг лексик-семантик гуруҳларига аниқлик киритиш учун унга яқин бошқа категориялардан фарқловчи чегарани белгилаш керак. Аввало, сўзларнинг луғат таркибини мавзуй таснифлаш билан сўзларнинг лексик-семантик гуруҳи ўртасидаги чегарани аниқлаш лозим.

Мавзуй луғатлар тузиш фақат методик жихатдан аҳамиятга эга эмас. Мавзуй луғатлар тузишда сўзларнинг ўзаро боғловчи алоқалари - яқинликларига эътибор қаратмай, сўзнинг ички лексик маъноларига ҳам эътибор қилиш зарур.

Мавзуй гуруҳ луғатлари баъзан маълум соҳа лексикасига мувофиқ келиб қолиши табиий. Маълум ЛСГ мавзуй гуруҳларга таққосланса, улар ўртасидаги фарқлар кўринади. ЛСГ таркибидаги бирликлар ҳар доим ҳам мавзуй жихатдан битта гуруҳга бирлашавермайди. Бошқача қилиб айтганда, мавзуй гуруҳ бирликлари борлиқни мазмуний жихатдан бир хил ифодалаш билан бирлаштирамайди, бироқ мавзуй гуруҳ таркибидаги бирликлар мазмуний алоқаларни ҳам кўрсатиши мумкин:

***Кўлсиз, оёқсиз эшик очар.***

***Кўз-қулоқ бўлиб тур*** ва бошқалар.

Бу гуруҳларнинг умумийлиги уларнинг ўрганилган объектив борлиқни акс эттиришидир. Лексик-семантик гуруҳлар ҳам аслида қандайдир “мавзу”сига эга бўлади. ЛСГ тилнинг ривожланиш қонуниятлари асосида келиб чиқса, мавзуй гуруҳлар халқ билимларининг, қарашларининг натижаси демакдир.

Мавзуй гуруҳлар ичида сўзлар ўртасидаги муносабатлар фақат тушунчалар ўртасидаги ташқи муносабатлар асосида курилади. Бунда турлича тарздаги таснифлаш натижасида сўзлар маъносига таъсир қилмайдиган даражада бир-бирлари билан кўшилиш ва ажралишлари мумкин. ЛСГ ларда тилнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ бўлган тилнинг ички ҳодисалари (жумладан, сўзларнинг синонимик қаторлари) кузатилади. Сўзлар ўртасидаги мазмуний муносабатларни антонимлар орқали ҳам кўриш мумкин, антонимлар доимо бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди.

Синонимик ва антонимик муносабатлар у ёки бу ЛСГ сўзлари ўртасидаги мазмуний алоқаларнинг икки энг муҳим турлари саналади, яъни зидловчи ва бирлаштирувчи белгилар синонимик ва антонимик муносабатларда кўринади.

Мазмуний майдон тўғрисидага турли йўналиш ва тадқиқотчилар орасидаги хилма-хилликларга қарамай, тилшунос олимлар томонидан бир хил белгиланган бир неча назарий масалаларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- тил луғат таркиби бирликларнинг тартибсиз (хаотик) йигандисидан иборат эмас, у сўзларнинг семантик умумийлиги асосида бирлашувчи бир қанча мазмуний майдонларга бўлинади;
- ҳар бир мазмуний майдон фақат шу тил учуп хос бўлган алоҳида усул билан ўзи акс эттирган борлиқни таркибий қисмларга ажратади;

- сўзнинг семантик мазмуни ўз-ўзидан келиб чиқувчи нарса ҳисобланмайди, у майдон ичидаги бошқа сўзлар (бирликлар) билан зидланишлар воситасида юзага келади (Апресян, 1962, с.53).

Мазмуний майдон назарияси структурал семантика назарияси бўлиши учун, аввало, мазмуний майдонлар объектив ҳолда ажратилиши зарур, шунинг учун, мазмуний майдонларнинг структур назарияси маъноларни компонент таҳлил қилиши мақсадга мувофиқдир. Мазмуний майдонлар мантикий томондан, яъни, тушунчавий асосда қурилмоқда, шунинг учун семантика ва бошқа лингвистик соҳалар ўртасида лжралиш бўлиб қолмоқда. Аслида мазмуний майдонлар лингвистик асосда қурилиши зарур.

Профессор Э.Бегматов лексикада системалилик хусусида фикр юритиб, тилшуносликда тилнинг луғавий бойлигини ҳам муайян система сифатада тасаввур қилиш ва илмий таснифлашлари сифатида қўйидагиларни келтиради:

- сўзларни сўз туркумларига ажратиш усули, яъни сўз туркумлари системаси;
- сўзларниясалишмоделларигавўратаснифусули,яънисўзясашусуллари;
- сўзларни функционал-стилистик гуруҳларга ажратиш усули, яъни сўзларнинг силистик-дифференциал гуруҳлари;
- сўзларни маълум мавзу гуруҳларига ажратиш усули, яъни сўзларнинг мавзу гуруҳлари ва бошқалар (Бегматов, 1985, с.116).

Мазмуний майдон доирасига бир сўз туркумига хос бўлган сўзларнинг семантик гуруҳлари ҳам, турли сўз туркумларининг бир-бири билан мазмуний муносабатда бўлган сўзлар гуруҳлари ҳам лексик-грамматик(функционал-семантик) майдонлар ҳам, трансформацион муносабатлар билан боғланган синтактик конструкцияларнинг парадигмалари ҳам мазмуний-синтактик синтагмаларнинг маълум турлари ҳам киритилади. Улар орасида маълум жиддий фарқлар бўлишига қарамай, уларни у ёки бу мазмуний



категорияларга асосланиши билан умумлаштириш мумкин. Бироқ сўзларнинг мазмуний синфлари ва мазмуний майдонларни бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир.

“Бир сўз туркумига хос сўзларнинг мазмуний синфлари бу, аъзолари умумий маъно (инварианг маъно-идентификатор) билан боғланган маълум даражада мураккаб гуруҳлардан иборат бўлган парадигматик турдаги лексик майдонлардир”(Васильев, 1990, с.126).

Уларга сўзларнинг синонимик ва антонимик бирлашмалари, лексик-семантик гуруҳлари киради. Аъзолари доимий оппозициялари билан боғланган сўзларнинг семантик синфларини “мазмуний парадигмалар” деб аташ ҳам учрайди, унда маълум парадигматик майдонларнинг турли микромайдонлари эътиборга олинади.

Лексик-семантик парадигмаларнинг тузилишини, асосан бинар оппозициялар - икки томонлама зидланишлар шакллантиради. Аммо борлиқ ходисаларининг кўп томонли алоқалари билан боғлиқ бўлган кўп аъзоли зидланишлар ҳам бўлиши мумкин: масалан, ранг ифодаловчи сўзлар фақат иккитаси (оқ ва қора) эмас, деярли ҳаммаси зидланиши мумкин: *яшил, сариқ, кўк, қизил...*

Парадигматик тузилиш характериға сўзларнинг барча лексик гуруҳлари, атамалар тизими, ҳатто мавзуй гуруҳлар ҳам эга. Бироқ уларнинг системалилиға хос ифодаланиш даражаси, яъни системалилик асосида ётувчиқарама-қаршилиқларнинг доимийлик даражаси бир хил эмас. Бу фикрлар кўп жиҳатдан экстралингвистик омиллар билан боғлиқ. Экстралингвистик омиллар маълум даражада сўзларнинг синонимик қаторлари структураси, кўпроқ мавзуй қаторлари билан боғлиқ бўлади.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турганидек ҳозирги даврда *майдон* назарияси қатор жаҳон тилшуносларининг тадқиқотларида грамматикаға хос масалаларни ёритишда муҳим ўрин тутмоқда. Грамматикадаги майдон тутлунчаси кўпроқ морфологик сатҳдаги грамматик категорияларни уларға

функционал-семантик жиҳатдан яқин бўлган тилнинг бошқа сатҳлари воситаларидаги адоқанинг текширилиши давомида қўлланилади.

Грамматикада майдон “лексик-грамматик майдон” (ЛСМ) ёки “функционал семантик майдон” (қисқача ФСМ) тарзида юритилади. ФСМ маълум мазмуний категорияларга таянган, вазифалари умумийлиги билан ўзаро муносабатда бўлган тилнинг турли сатҳларига хос воситалар системаси ҳисобланади.

ФСМлар асосида турли хил лингвистик воситаларни бирлаштирувчи ва уларнинг ўзаро муносабатларини юзага чиқарувчи мазмуний инвариант - мазмуний категориялар ётади. А.В.Бондарко барча ФСМларнинг асоси объектив борлиқдаги у ёки бу муносабатларнинг киши онгида маълум мазмуний категориялар кўринишида акс этиши эканлигани таъкидлайди (Бондарко1990).

А.В.Бондарко ФСМларнинг ушбу тўрт гуруҳини ажратади:

- предикатив ядроли ФСМ (аспектуаллик, модаллик, маишийлик, нисбийлик майдонлари комплекси);
- предметлик ядроли ФСМ (субъектлик-объектлик, аниқлик-ноаниқлик майдонлари);
- миқдор-сифат ядроли ФСМ (миқдор, сифат, қиёсийлик, тегишлилик майдонлари);
- ҳолат ядроли ФСМ (боғлиқлик ва локатив майдонлари).

ФСМларда майдонга бирлашиш асоси бўлиб, **биринчидан**, умумий мазмуний белгининг мавжудлиш, **иккинчидан**, турли сатҳларга хос воситалар, яъни грамматик ва лексик birlikлар орқали бирлашув ҳодисасининг юзага чиқиши хизмат қилади. ФСМлар мазмуний қамровдаги birlikларни умумлаштириш билан мазмуний майдонларга яқин турса-да, улар қандайдир шаклий ифода воситаларига алоқадорлиги билан

фарқланадики, бундай майдонларда грамматик воситалар ҳам умумлашиши мавжуд.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу ўринда тил тараққиёти натижасида бир туркумнинг бошқасига кўчиши ёки отлашиш ҳодисасининг юзага чиқиши эмас, балки ушбу лексемалар вазифасидаги умумийлик, шахсни номлаш хусусияти муҳимдир. Хуллас, бундай тасниф усулини барча тил сатҳи бирликдарига нисбатан қўллаш ўзига хос илмий самара беради.

### ***Биринчи бобга хулоса***

Ҳозирги вақтда хорижий тил муаммоларини ўзбек тили масалалари билан боғлаб ўрганиш, уларнинг тафовутли ва мутаносиб томонларини солиштириш, жумладан, турли тизимга тегишли бўлган инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик (эгалик)нинг категорияланиш муаммоси ва унинг категориал мавқеини кўрсатиш, ҳамда бугунги кунда тилшуносликнинг долзарб йўналишлари бўлмиш лингвокультурология ва когнитив тилшунослик ёрдамида унинг аҳамиятини аниқлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Инглиз тилида келишик категорияси от сўз туркумининг формаси бўлиб, у гапда от ва олмошларнинг бошқа сўзлар билан синтактик алоқасини ифодалайди. Инглиз тилида келишик форма ва унинг таркибий қисмлари жиҳатидан, шунингдек, маъно ва функциялари жиҳатидан узоқ йиллар давомида тилшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Инглиз тилида келишик категорияси турли тилшунослар томонидан турлича талқин қилиниб келинган. Жумладан, М.Дейчбейн, Ж.Вебер, Г.Суит, Ч.Филлмор, О.Есперсен, А.Брайент, А.Маркуордт, Б.Ильиш, А.Мухин, Н.Слюсарева, Б.Хаймович, Г.Воронцова, В.Плоткин каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Айниқса, инглиз тилида бу муаммо узоқ йиллардан буён тилшунослар орасида мунозарали баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Чунки инглиз тилида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ отларнинг келишик категориясини икки хил йўл билан, яъни шакл ёки маъно хусусиятига кўра ажратиш масаласи мавжуд. Шунга кўра, инглиз тилида келишик категорияси мавжуд эмас, деган хулосадан тортиб, келишик категорияси маъно жиҳатдан чексиз кўринишга эга, деган фикрлар пайдо бўлган. Келишик формаси масаласи келишикнинг ўзи каби муаммоли масаладир. У флектив ва флектив бўлмаган морфология тарафдорлари ўртасида қатор баҳсларга сабаб бўлиб келган Шу сабабли, биз тадқиқотимизда ушбу муаммолар масалани хал қилишда аввалам

бор посессивлик тушунчасини категориял мавқеини аниқлаш жуда мухим деган хулосага келдик.

Аммо бундай мухим лингвистик таҳлилнинг кўпгина масалалари хали тегишлича хал этилган эмас. Қиёслашнинг конкрет методикаси ишлаб чиқилмаган, бир системали ва кўп системали тилларнинг қиёслашнинг ягона принципи йўқ. Тилшуносликда ханузгача муайян конкрет тилларни лингвистик инвентаризациялаш ва қиёслашга доир тўла йиғилган эмпирик материал мавжуд эмас. Тил системаларининг барча ярусларини лингвистик баён этиш жараёни бошланган бўлса-да, у ўз такомиллашувини кутмоқда.

Шу сабабли, хозирги кунда тилшуносликда илмий изланишлар кенг куламда олиб борилмоқда-ки, бу ходиса сўзсиз турли-туман назарияларни пайдо бўлишига сабаб булаяпти.

Бу назариялардан бири тилшуносликда тилнинг турли яруслари бирликлари иштрокида ифодаланувчи категориялар яратишдир. Ушбу муаммо кўп олимларни қизиқтириб келмоқда, чунки шу пайтгача конкрет тилларнинг грамматик системасини тадқиқ қилишда қўлланилаётган грамматик категориялар тушунчаси типологик тадқиқот учун етарли эмас.

Инглиз тили мисолида биз аниқлашимизга кўра ўрганилаётган тушунча грамматик категориялар сирасига кирмайди. Сабаби келишик маъносини ифодалаш учун инглиз тилида деярли қушимчалар, яъни грамматик маркерлар мавжуд эмас. Бу ходиса инглиз тилини аналитик тип тиллар сирасида эканлигига исбот бўла олади. Қолаверса, тарихий ривожланишига кўра келишик категорияси замонавий ҳолатга етиб келмаганлигини илмий адабиётлар таҳлили жараёнида аниқладик.

Тадқиқ учун жалб этилган посессивлик тушунчаси типологик синтактик татегориялар сирасидан ўрин олганлигини биз диссертациянинг кейинги бобларда исботлаб уни комплекс тарзда ўрганишга ҳаракат қиламиз.

***II боб. Инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг  
хусусиятлари ифодаланиши***

***2.1. Инглиз тилида келишик категорияси муаммо сифатида***

Инглиз тилида келишик форма ва унинг таркибий қисмлари шунингдек, маъно ва функциялари жиҳатидан узок йиллар давомида тилшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келгани маълум. Ушбу тилда келишик категорияси турли тилшунослар томонидан турлича талқин қилиниб келинган. Жумладан, бу борада М.Дейчбейн, Ж.Вебер, Г.Суит, Ч.Филлмор, О.Есперсен, Б.Ильиш, А.Мухин, Н.Слюсарева, Г.Воронцова, каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг тадқиқотлари натижасида инглиз тилида келишик категорияси мавжуд эмас, деган хулосадан тортиб, келишик категорияси маъно жиҳатдан чексиз кўринишга эга, деган фикрлар пайдо бўлган. Дарҳақиқат, бу тилда келишик формаси масаласи муаммоли масаладир. У бугунги кунга қадар флектив ва флектив бўлмаган морфология тарафдорлари ўртасида қатор мунозараларга сабаб бўлиб келган. Улар орасидаги мунозараларнинг сабаби бу грамматик категорияга турлича ёндашиш ҳисобланади. Жумладан, инглиз тилида келишик категориясининг мавжудлиги рад қилиниб, уни грамматик категория эмас деб талқин қилиниши мақсадга мувофиқ деб топилган. Хусусан, инглиз тили от сўз туркумида келишик категориясининг мавжуд эмаслиги масаласи биринчи бўлиб рус тилшунослари (Г.Воронцова, А.Мухин, Б.Ильиш) томонидан кўтарилган эди. Уларнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда И.Иванова, В. Бурлакова, Г.Почепцовлар инглиз тилида келишик категориясини рад этадилар. Улар қаратқич келишиги синтактик типдаги тилларнинг келишикларидан фарқ қилишини изоҳлайдилар. Бу фарқлар маъно жиҳатдан ҳам, функция, яъни вазифа жиҳатдан ҳам намоён бўлишини кўрсатадилар. Улар қаратқич келишигининг формасини келишик кўшимчаси деб тан олинмаслигига тўрт сабаб келтирадилар.

Биринчидан, қаратқич келишигининг бирламчи маъноси эгалик, қарашлилик маъносини билдирсада, бундан ташқари қаратқич келишигининг формаси темпорал (*the day's wait*), ҳажм (*the hair's width*) ёки макон (*a mile's distance*) каби маъноларни ифодалаши унинг асосий категориал маъносига нисбатан гетероген муносабатни билдиради. Бу эса флектив типдаги тилларнинг синтетик келишиклари учун характерли деб ҳисобланмайди.

Иккинчидан, қаратқич келишигининг вазифаси чегараланган ва у иккига ажратилган: а) лексик, яъни у фақат жонли отларнинг номларидан таркиб топган (*the girl's voice, The dog's bark*), баъзи ҳолларда эса конкрет предметларни билдирувчи жонсиз отлар билан ишлатилади (*the car's roof, the door's support*); б) позицион, яъни, қаратқич доим отлар билан муносабатда бўлади.

Учинчидан, қаратқич келишигининг кўплик форманти мавжуд эмас. Маълумки, оғзаки нутқда қаратқич келишигидаги отларнинг бирлик ва кўплик формалари фарқланмайди, яъни улар бир хил талаффуз қилинади (*the boy's room va the boys' room*). Шу тариқа *-s/-s'* формантларининг омонимияси пайдо бўлади. Улар оғзаки нутқда умуман фарқланмасдан фақатгина ёзма нутқда ажратилади [Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. 1981]. Аммо бу омонимия фақат *boy, boy's, boys* типдаги сўзларга тегишли бўлиб, *her friend's dress, the boy's hands* каби мисоллар бунга кирмайди. Қолаверса, ўз таркибида кўплик флексиясини сақлаб қолган сўзлар (*children's, men's*) бундан мустаснодир.

Тўртинчидан, қаратқичнинг форманти от билан ифодаланган сўз бирикмаларига кўшилишидан ташқари (*John and Tom's room, the king of Denmark's son, the Prime Minister of England's speech*), от билан умуман ифодаланмаган сўз бирикмалари таркибида ҳам келади (*somebody else's book* каби).

Бундан ташқари, Г.Н.Воронцова келишик категорияси фақат олмошларда, яъни ўзлик ва сўроқ олмоши “who” да мавжуд, дейди

[Воронцова,1960,с.168.]. У ўз қарашларини “Инглиз тили грамматикаси бўйича очерклар” (“Очерки по грамматике английского языка” ) китобида таснифлаб берган. У келишикларни “мустикал” ва “тобе” каби формаларга ажратади. “ Бундай ҳолатларда келишик категориясининг таркиби аниқ, яъни маъно жиҳатдан “мустикал” ва “тобе” бўлиши керак” дейди [Воронцова,1960,с.169.]. У ўзлик олмошини бош келишик ўрнида келадиган истисно ҳолатларини очиб беради. Масалан, “*Who is there?*” cried Michael. “*Me*”, bawled the ungrammatical Digby (J.Galsworthy). “Тобелик” келишиги формаси бу ерда “мустикал” келишик формаси ўрнида ишлатилган. Бу каби ҳолатлар одатда, сўзлашув услубида кўпроқ учрайди. Шунинг учун у “ўзлик олмошларида келишик категорияси формалари “мустикал” ва “тобе” кўринишдаги синтактик қарама–қаршиликдаги теранлигини йўқотган” дейди [Воронцова,1960,с.176.]. Шунга кўра, ўзлик олмошларининг икки келишикли формаларини бош (Nominative) ва объектив (Objective)ни “биринчи” ва “иккинчи” ёки “воситали” ва “воситасиз” каби терминларга ажратишни таклиф қилади. Шу тариқа, Г.Н. Воронцова ҳам ’s морфемасини рад этади ва уни рад этадиган қуйидаги сабабларни келтиради:

- 1) ’s морфемасининг ишлатилиш миқёси ихтиёрий ( *his mother’s, of his mother*).
- 2) баъзида кам учрайдиган маълум от гуруҳларида ишлатилади.
- 3) ’s кўпликда ҳам бирликда ҳам ишлатилади (*child’s, children’s*).
- 4) у жуда ҳам кам кўпликдаги отларда учрайди (*oxen’s, аммо cow’s*).

’s сўз тузилишининг ажралмас қисмини ҳосил қилмайди. У атрибутив (аниқловчили) гуруҳдаги асосий отдан кейин жойлашиши мумкин (“*Been reading that fellow what’s his name’s attack in the ‘Sunday Times’?*”). Шу тариқа муаллиф замонавий инглиз тилида келишик категориясини рад қилади [Воронцова Г.Н. 1948. № 4.]

Қолаверса, Л. Бархударов ҳам ўз тадқиқотларида инглиз тилининг от сўз туркумида аслида келишик категорияси мавжуд ёки мавжуд эмаслигини



аниқлашга ҳаракат қилади ва инглиз тилида иккита келишикни ажратади: умумий (Common case) келишик ва қаратқич (Genitive case) келишиги. Замонавий инглиз тилида фақат битта белгили, отнинг сўз ўзгартирувчи ‘s морфемали ва гапда синтактик муносабатни билдирувчи ҳақиқий келишик (умумий келишикдан ташқари) борлигини таъкидлайди. Инглиз тили қаратқич келишиги морфемасининг семантикасини ўзига хос хусусиятларига эга эканини кўрсатади.

Биринчидан, “’s” морфемаси инглиз тилида кўплик қўшимчаси билан бир хилда бўлиб, у билан бирга ҳам кела оладиган ягона сўз ўзгартирувчи қўшимчадир, масалан, *oxen’s, children’s* каби.

Иккинчидан, қаратқич келишигининг морфемаси бошқа сўз ўзгартирувчи морфемаларга нисбатан кўп маънолилиги билан фарқ қилади (хатто унинг қайси маъноларини асосий ва биринчи даражали, қайсиларини иккинчи даражали эканини ажратиш мушкул).


Учинчидан эса инглиз тили қаратқич келишиги морфемасининг асосий ўзига хос хусусияти унинг нафақат сўзга, балки бутун сўз бирикмасига ҳам қўшилиб келиши мумкин, масалан, *the King of England’s daughter, Toby and Dora’s plan, a moment or two’s thought, the man in the street’s tolerance, the boy who lives across the street’s brother* [Бархударов Л. 1975. с.84–96.] сингари жиҳатларини таҳлил қилади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, улар замонавий инглиз тилида келишик категориясини рад этишади. Қаратқич келишигининг формасини эса морфологик эмас, балки синтактик форма сифатида қабул қилиб, у билан ифодаланган сўзлар таркибидаги ‘s формасини морфологик келишик категорияси формаси деб эмас, синтактик поссессивлик категорияси деб қабул қилишади.

Дарҳақиқат, юқорида келтирилган таҳлил ва мисоллар орқали кўриш мумкинки ‘s формантининг бажарадиган функцияси далиллар асосида уни синтактик категорияга хослигини кўрсатади. Бу эса инглиз тилидаги

қаратқич келишигини грамматик категория сафидан чиқаради ва инглиз тилида келишик категориясининг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги назария ва қарашларни асослайди. Шу тариқа, инглиз тилида келишик категориясининг ўрнига қаратқич ифодалайдиган хусусиятларга асосланган ҳолда, эгаликни, тегишлиликни ва қаратқич-қаралмиш муносабатларни ифодалайдиган посессивлик категориясининг вужудга келишига эҳтиёж пайдо бўлди. Чунки юқорида келтирилган таҳлилларнинг барчасида қаратқич келишиги билан ифодаланган бирликлар гапда синтактик вазифани ўтаб келмоқда. Бу эса грамматик категория таркибидаги қаратқич келишигининг синтактик категория бўлмиш посессивлик категорияси сафига қўшилишини белгилайди ва унинг таркибий компонентига айлантиради.

Маълумки, посессивлик асосан бу икки объектнинг орасидаги муносабат, бирининг иккинчисига эгалиги ёки тегишлилиги тил воситалари орқали ифодаланишидир. Бу муносабатлар “қаратқич-қаралмиш” деб аталиб, улар ифодалаган бирликлар посессив конструкциялар деб номланади. Одатда, посессор, яъни қаратқич сифатида инсон англашилади. Шунинг учун посессив муносабатларда унинг бирор предметга эгалиги ёки бирор объектнинг инсонга тегишлилиги тушунилади. Инглиз тилида посессивлик қаратқичнинг формантидан ташқари бошқа воситалар орқали ҳам ифодаланади. Масалан, у артикль, предлоглар, ўзлик олмошлари ҳамда, синтактик йўллар билан ифодаланиши мумкин:



Хуллас, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, кўпчилик тилшунос олимлар томонидан инглиз тилидаги отларда келишик масаласи кўриб чиқилган ва унга турлича ёндашилган. Қолаверса, юқоридаги келтирилган таҳлиллардан қаратқич келишигига тегишли бўлган қатор муаммоларни кузатиш мумкин. Бундан ташқари, бу мунозарали ҳолатлар қаратқич келишигининг грамматик категория сифатида қабул қилинмаслигини, унинг асосан синтактик вазифага эга эканлигини ҳамда, посессивлик категориясининг таркибий қисмига киритилиши мумкинлигини таъминлайди. Шу тарзда, инглиз тилидаги келишик категорияси бугунги кунда грамматик категориялар сафидан чиқарилиши тўғрисидаги қарашлар ва назариялар асосли равишда қўллаб қувватланади.

## **2.2. Ўзбек тилида келишик категорияси**

Ўзбек тилида келишик категорияси от ёки отлашган сўзнинг феълга, отга ёки бошқа бирор сўзга грамматик алоқасини — гап тузумида гап бўлаклари ўртасидаги муносабатларни англатадиган грамматик категория бўлиб, махсус аффикслар билан ифодаланади. Келишик аффикслари от, олмош ёки отлашган сўзнинг гапда алоқа–муносабат вазифасини кўрсатади. Отларнинг гапда келишик аффиксини олиб ўзгариши турланиш, келишик аффиксининг ўзи эса турловчи деб аталади. Келишик ҳар бир от сўзнинг турланишида қатнашадиган грамматик форма. Демак, бу жиҳатдан келишик туркумлараро форма ҳисобланади. Лекин уни ҳамма сўз туркумларига бирдек хос деб бўлмайди. Келишик категорияси аввало отларга мансуб бўлиб, от лексеманинг нутқда ифодаланиши учун зарурий форма бўлиб хизмат қилади. Отлардан ташқари, олмошлар, феълнинг ҳаракат номи формаси, жамловчи соннинг баъзи кўринишлари ҳам келишик формасини олиб ишлатилади. Келишик, асосан, нутқда синтактик бирликни шакллантиришда хизмат қилади. Аммо у нутқдаги барча синтактик birlikларни шакллантирмайди. Масалан, сифатловчининг шаклланишида келишик қатнашмайди. Шунга қарамай, кўпчилик бўлақлар келишик билан шаклланади. Масалан, эга, қаратувчи, изоҳловчи, номинатив гап, қисман ҳол ва кесим ҳам келишик формасидаги сўз билан ифодаланади. Ҳар бир келишикнинг ўз формаси, маъноси ва синтактик вазифаси бор. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги ўзбек адабий тилида олти келишик мавжуд: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, чиқиш келишиги, жўналиш келишиги, ўрин–пайт келишиги (ёки “ўрин келишиги”).

Ўзбек тилида келишик категорияси юзасидан турли тилшунос олимларимиз томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Е. Поливанов, А.Кононов, А.Боровков, В.Решетов, А. Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Абдурахмонов, Ҳ.Неъматов, Т.Иноятов, И.Зиёева,

Р.Расулов, А.Чориев каби тилшуносларнинг илмий изланишлари диққатга сазовордир. Улар ўзбек тилидаги келишик категориясининг ўзига хос жиҳатлари, синтактик–семантик ва морфологик–синтактик хусусиятларини илмий таҳлил қилишган.

Ўзбек тилшунослиги масалалари, унинг фонетик ҳамда грамматик тузилишлари рус туркшунос олимлари томонидан чуқур ўрганилган. Жумладан, Е. Поливанов ўзбек тилида еттита келишикни ажратади: бош (именительный, бессуфиксальный) келишик: *китоб*; қаратқич–тушум (родительный–винительный) келишиги *–ни* аффикси билан: *китобни*; жўналиш (дательный) келишиги *–га, –ка, (–қа)* аффикси билан: *китобга*; ўрин–пайт (местный) келишиги *–да, –та* аффикси билан: *шаҳарда*; чиқиш (исходный) келишиги *–дан, –тан* аффикси билан: *шаҳардан*; восита (творительный) келишиги *–минам, –минан* аффикси билан: *она минам*; қиёсий (приравнительный) келишик *–дай, –так* аффикси билан: *гулдай* [Поливанов, 1926, с.94]. Шу тарзда Е. Поливанов ўзбек тилида юқорида келтирилган келишикларни ажратади. Агар қаратқич ҳамда тушум келишигини алоҳида ҳисоблайдиган бўлсак, унда у саккизта келишикни ажратган бўлади. Демак, Е. Поливанов ҳозирги ажратилган келишик таркибига иккита ортиқча келишикни қўшган. У восита (творительный) келишиги деб “от + билан” конструкциясини келтиради. Лекин келишикнинг бу хусусиятига кўра ажратилиши кўмакчили келишикни қабул қилинишига олиб келади. Бундан ташқари, у қиёсий (приравнительный) келишикни “от+ дай аффикси” билан ифодалайди. Е. Поливанов каби машҳур тюрколог олим П. Мелиоранский ҳам бу конструкцияни келишик сифатида қабул қилади ва рус тилида уни “сравнительный падеж” яъни қиёсий келишик деб атайди [Мелиоранский, 1894, с.24]. А. Ғуломов ҳам “Ўзбек тили аффиксациясининг баъзи масалалари” (“К некоторым вопросам аффиксации в узбекском языке”) мақоласида ўзбек тили масаласида Лондонда чоп этилган бир илмий тадқиқотда бу келишик қайта

тикланганиниг ёзади [Ғуломов, 1951, с.106.]. Ўзбек тилининг оғзаки нутқида қаратқич ҳамда тушум келишикларининг талаффуз қилиниши бир хил, яъни **–ни** аффикси билан ифодалангани учун Е. Поливанов уларни битта келишик сифатида талқин қилади. Шу тариқа, баъзи туркшунос олимлар ўзбек тилидаги қаратқич келишигидан воз кечиб, унинг ролини тушум келишигига ўтказадилар [Решетов, 1951, с.176–183.]. Аслида эса ўзбек тилининг ёзма нутқида оғзакидан фарқли равишда, қаратқич келишигидаги маъно ифодаланса, **–нинг** (**–ни** деб талаффуз қилинса ҳам, масалан, *холамни қизи–холамнининг қизи*) аффикси; тушум келишигидаги маънони ифодаласа, **–ни** аффикси ёзилади (*қизни кўрдим*). Чунки қаратқич келишиги кўпинча от билан от ўртасидаги муносабатни, тушум келишиги эса от билан феъл ўртасидаги муносабатни билдиради. Шу сабабли бу келишикларни бир хил хил даражага қўйиб, уларни бир хил маъно ифодалайди ва бирини функциясини иккинчиси бажара олади дейиш нотўғри деб ҳисоблаймиз.

Рус туркшунос олимлари А.Кононов, В.Решетов ва А.Боровковлар ўзбек тилининг от сўз туркумида олти келишикли категорияни ажратадилар: бош келишик (Кононов,Решетов: основной; Боровков: именительный, назывной), қаратқич келишиги (Кононов,Боровков: родительный, Решетов: притяжательный), тушум келишиги, жўналиш келишиги (Боровков, Решетов: дательно–направительный, Кононов: дательный), ўрин–пайт келишиги, чиқиш келишиги. Бу келишиклар бир биридан фақатгина жойлашиши ва номланишида фарқ қилади. Бу эса уларнинг маъно ва грамматик функцияларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. А.Кононов ўзбек тилининг келишик категориясига чуқур тўхталиб ўтиб, унинг кўплик ва эгалик кўшимчалари билан, аниқловчили конструкциялар билан турланишини таҳлили қилади. Бундан ташқари, у ҳар бир келишикнинг гапда билдирган синтактик муносабатларининг функцияларига алоҳида тўхталиб ўтади [Кононов, 1960, с.261–290.].

Ҳозирги ўзбек тили келишиклари А.Ғуломовнинг икки мукамал ишида, яъни “Ўзбек тилида келишиклар” ва “Ўзбек тилида аниқловчилар” да батафсил тавсифлаб берилган. У ҳар бир келишикнинг шакллари, маънолари ва гапдаги вазифаларини батафсил баён этган. Кейинчалик босилиб чиққан илмий ишлар ва дарсликларда мана шу икки манба асос қилиб олинган. Шунга асосланган ҳолда, Ш.Раҳматуллаев келишикларга яхлит бир система сифатида ёндашиб, улар орасидаги умумий ва хусусий белгиларни чуқурроқ англаш ва шунга кўра, ҳар бир келишикни қайтадан баҳолаш зарурлигини айтади [Раҳматуллаев, 1969,б.71]. У ўз мақоласида ўрин–пайт келишигини жуфт сўз бўлиб ишлатилишига эътироз билдирган, пайтни билдирувчи маъно нафақат ўрин келишигида, балки жўналиш ва чиқиш келишигида ҳам мавжудлиги, шунга қарамай, улар жуфт ҳолда (жўналиш–пайт, чиқиш–пайт каби) эмас алоҳида ифодаланишини изоҳлайди ва бу хусусият ўрин келишигига ҳам тегишли эканлигини таъкидлайди. Аммо ўрин–пайт келишигидан фарқли ўлароқ, жўналиш ва чиқиш келишигида, шу жумладан, атамасида ҳам ўрин ва пайт ғояси интеграциялашган: *баҳорга тўй қиламиз– баҳорда тўй қиламиз; баҳордан чиқдик– уйдан чиқдик*. У ушбу уч келишикни умумий қилиб “макон келишиклари” деб атайти ва уларни динамик (чиқиш, жўналиш) ва статик келишикларга ажратиб таснифлайди. Бундан ташқари, ўзбек тилидаги келишикларни кўрсаткичи ўз аксини товушда топиши топмаслиги жиҳатдан манфий кўрсаткичли келишик (бош) ва мусбат кўрсаткичли келишиклар (қаратқич, тушум, чиқиш, жўналиш, ўрин) қилиб таснифлайди.

| манфий кўрсаткичли келишик | мусбат кўрсаткичли келишик |
|----------------------------|----------------------------|
| <b>Бош келишик</b>         | <b>Қаратқич келишиги</b>   |
| <b>Тушум келишиги</b>      |                            |
| <b>Чиқиш келишиги</b>      |                            |
| <b>Жўналиш келишиги</b>    |                            |
| <b>Ўрин келишиги</b>       |                            |

Қолаверса, келишикларни кўрсаткичларининг таркиби жиҳатдан кўш (аффикс билан аффикс муносабатига асосланувчи) ва якка (аффикс билан негиз муносабатига асосланувчи) кўрсаткичли келишикларга, грамматик алоқанинг қайси турларини акс эттириш жиҳатидан мослашув (бош, қаратқич) ва бошқарув (тушум, чиқиш, жўналиш, ўрин) алоқасини акс эттирувчи келишикларга, ҳамда, неча бўлакни шакллантириши жиҳатдан эса битта ( бош/эгани; қаратқич/ қаратувчини; тушум/ воситасиз тўлдирувчини) ва иккита бўлакни (чиқиш, жўналиш, ўрин / тўлдирувчи, қисман ҳолни) шакллантирувчи келишиклар каби гуруҳларга ажратиб таснифлайди.

Ғ.Абдурахмонов ва Ш.Шукуров “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси” китобида ўзбек тилидаги келишикларни еттитага ажратади, улар одатдаги олтига келишик: бош, қаратқич, тушум, чиқиш, жўналиш, ўрин келишикларидан ташқари яна восита келишигини келтиради. Бу келишик асосан эски ўзбек тилининг қадимги даврларига мансуб бўлиб, XV асргача яшаган, кейинчалик эса ўзининг грамматик хусусиятини йўқотган ва келишик категорияси сифатида истемолдан чиққан. Восита келишиги ҳозирги туркий тилларда грамматик категория сифатида қабул қилинмайди. Ҳозирги кўпчилик туркий тилларда бу келишик функциясини “*билан*” кўмакчиси бажаради. Қадимги туркий тилларда эса бу келишик бошқа келишиклар каби грамматик категория сифатида ўзига хос ўрин тутган. Унинг формаси *-н* (ундошдан кейин *-ын, -ин, -ун*) аффикси билан ясалган бўлиб, гапда асосан восита, иш-ҳаракатни содир бўлиш пайти, ўрни, усули ва ҳолатини ифодалаб келган. Восита келишиги пайтни ифодалагани сабабли бу келишик формасидаги пайтни англатувчи сўзлар равишга айланган, унинг таркибидаги *-н, -ын, -ин, -ун* аффикслари сўзнинг таркибий қисмига айланган [Абдурахмонов, Шукуров, 1973, б.59–61.].

Ҳозирги ўзбек тили келишик тизимида бир мунча мунозарали масалалар мавжуд. Бунга *-гача, -даги, -дек, (-дай), -ники* аффиксларининг турли хил отларга кўшилиб грамматик маъно ифодалай олиши сабабдир. Бу



қўшимчалар от ва отлашган сўзларга қўшилиб, синтактик муносабат ифодалайди. Шунинг учун бу аффиксларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир.

Ҳ.Неъматов “ Ўзбек тили ва адабиёти” журналида мунозара тарзида эълон қилинган мақоласида олти келишиқ қаторига яна бир келишиқ, яъни чегара келишигини қўшиш таклифини кўтаради. У ўзбек тилидаги *–гача* аффиксини келишиқ тизимиға муносабатини таҳлил қилар экан, бу мураккаб қўшимча билан ишлатилган сўзларни “чегара келшиги” деб ҳисоблаш керак, деган фикрни илгари суради. Бу келишиқ формаси *–гача* аффикси билан ясалиб, гапда ҳаракатнинг чекланган йўналиши ва чекланган пайтини билдирувчи маъноларни ифодалайди: *улар кечгача ишларини битириб келишади*. Шу тариқа, муаллиф ҳозирги ўзбек тили келишиқлари сирасига яна битта келишиқни чегара келишигини қўшишға эҳтиёж мавжудлигини таъкидлайди [Неъматов, 1971, б.38–39.]. Ўзбек тилида *–ча* шакли орқали чегаралаш маъноси юзага келиши учун у жўналиш келишиги формасига қўшилиб, *–гача* кўринишиға келган дейиш мумкин. Лекин бу ўринда *–га* қўшимчасида келишиқ маъноси йўқолган деб ҳисобланиши керак. Шунда *–гача= –га +–ча* дан ташкил топганлиги фақат этимологик бўлиб, ҳозирги ҳолати ажратилмаган ҳолда *–гача* деб қабул қилиниши керак. Бу келишиқ ўзбек тилшунослигида тан олинмаган бўлсада, уни алоҳида келишиқ дейилишиға асос бор. Чунки *–гача* қўшимчасининг деярли барча отларға қўшилиб чегара грамматик маъносини ифода эта олиш имконияти буни исботлайди.

А.Йўлдошев ўзбек халқ шеваларига асосланган ҳолда келишиқларнинг миқдорини турлича таснифлайди. Масалан, тошкент–фарғона гуруҳ шеваларида бешта, самарқанд–бухоро гуруҳ шеваларида тўртта, ж–ловчи шеваларда олти келишиқларни ажратади [Йўлдошев, 1970, б.18.]

| Шева келишиклари       |                         |               |
|------------------------|-------------------------|---------------|
| тошкент–фарғона гуруҳи | самарқанд–бухоро гуруҳи | ж–ловчи гуруҳ |
| <b>5та</b>             | <b>4та</b>              | <b>6та</b>    |

У асосан самарқанд–бухоро гуруҳ шеваларида жўналиш ва ўрин–пайт келишиklarининг фоманти *–га* ёки *–да* нинг ифодаланишига эътибор қаратади, яъни бу ходиса тожик тилининг таъсири натижасида юзага келган, деган қарашга қарши чиқади. Унингча, самарқанд–бухоро гуруҳ шеваларидаги жўналиш ва ўрин келишиklarининг бу хусусиятини тожик тилидан эмас, балки ўзбек тили ва унга қардош бўлган тиллар фактларидан қидириш кераклигини айтади ва “Агар тожик тилининг таъсири туфайли жўналиш ва ўрин келишиklари фарқланмасдан ишлатилса, ўзбек тили келишиklари формаларининг батамом сиқиб чиқарилиши ёки тожик тилидан кирган бошқа бирор форма билан параллел қўлланилиши керак эди” дейди [Йўлдошев,1970, б.20.]. Бундан ташқари, самарқанд–бухоро гуруҳ шеваларидаги каби хусусият тожик тилининг умуман алоқаси бўлмаган бошқирд, ёкут, қрим–татар тилларининг анушта шевасида жўналиш келишиги ўрнида ўрин ёки аксинча ишлатилишини кўриш мумкин: *мен ойде бардим, мен ойге қалдим* [Дмитриев,1948, с.63.]. Шу тарзда у самарқанд–бухоро гуруҳ шеваларида жўналиш ҳамда ўрин келишиklари қўшимчаларининг фарқланмасдан ишлатилишини тожик тили таъсирида эмас, балки маҳаллий шевалар ва қариндош тиллар тарихига боғлиқлигини исботлайди.

Келишиklarнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланилиши натижасида улар орасида функционал алмашинув содир бўлади, яъни бир келишик ўз вазифаси доирасидан чиқиб, бошқа келишик функциясини бажариши кузатилади. Бундай ҳолатда маълум бир келишик қайси келишик функциясини бажариб келаётганини контекст ва интонация орқали маълум бўлади. И.Зиёева келишик аффиксларининг функционал алмашинувида доир

масалани кўриб чиққан ва у асосан макон ва замон муносабатларини кўрсатувчи локал келишиклар аффиксларининг бири ўрнида иккинчисининг қўлланилиши ва уларнинг функционал алмашинувига тўхталиб ўтади [Зиёева, 1966, б.36.]. Масалан, жўналиш ва ўрин келишикларида келган сўзлар ўртасидаги фарқни аниқлаб, қайси бирини қўллаш тўғри бўлишини аниқлаш қийин бўлган ҳолатларни келтиради: *ишларингизга омад тилайман / ишларингизда омад тилайман* каби, бу ҳолатда келишикларнинг бундай ифодаланиши умумий маънога деярли таъсир қилмаслиги сабабли бу келишиклар семантик–синтактик жиҳатдан бир–бирига хос бўлган маънони қисман ифодалаб келишини изоҳлайди. Қолаверса, у жўналиш ва чиқиш келишиги, жўналиш ва тушум келишиги ўртасида ҳам худди шундай ҳолатларни келтириб ўтади: *гапингизга тушунмадим / гапингизни тушунмадим*. Бундан кўринадики, ўзбек тилида келишикларнинг бири ўрнида бошқасининг қўлланилиши ҳамма келишикларга хос хусусият экан. Бундан отни қачон, нима билан ифодаланишинига қараб келишикнинг ишлатилишини билиш уни чуқурроқ ўрганиш ва тушунишга туртки бўлади.

Т.Иноятов ҳозирги ўзбек адабий тилида келишикларнинг ишлатилиш миқдори юзасидан илмий тадқиқот олиб бориб, уларни ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилишини статистик метод билан таҳлил қилади. Фактик материал қилиб эса турли хил жанрда ёзилган олти асардан фойдаланади. Олиб борган тадқиқоти натижасида ҳозирги ўзбек адабий нутқида ишлатиладиган барча сўзларнинг 45% ини келишикдаги сўзлар ташкил қилишини, олти келишикдан бош келишик энг кўп ишлатилишини (44,06%), белгили белгисиз ишлатилиш жиҳатидан қаратқич келишиги биринчи ўринда (41,67%), тушум келишиги иккинчи ўринда туришини (35%), уларни белгисиз ишлатилиши прозаик нутқдан кўра поэтик нутққа хослигини аниқлайди [Иноятов, 1969, б.110–130.]. Бундан кўриниб турибдики, нутқнинг асосий қисми келишик аффикслари орқали ифодаланар экан. Бундан ташқари, у бош келишик вазифалари ҳамда уларнинг сўз

туркумлари билан ифодаланиши юзасидан ҳам шунга ўхшаш статистик тадқиқот олиб борган. У ўз тадқиқотида бу келишик вазифаларининг ўзаро умумий томонларини ва ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини белгилаш, шу асосда ҳар бир вазифани қайтадан баҳолаш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатиб ўтади. Бош келишикнинг ишлатилишида икки хил ҳолатни, яъни мустақил сўз билан боғланадиган (бунда синтактик вазифани кўрсатиб туради) ва ёрдамчи билан ишлатиладиган (бунда бош келишик синтактик вазифа кўрсатмайди) ҳолатларни кўрсатади. Статистик таҳлили натижасида бош келишикдаги сўзнинг энг кўп эга вазифасида(72,4%) келишини, иккинчи ўринда кесим вазифасида (18%) келишини изоҳлайди [Иноятов, 1971,б.16–28.].

Р.Расулов ўзбек тилидаги келишиклар устида қатор тадқиқотлар олиб борган тилшунослардан биридир. У келишикларни алоҳида тарзда таҳлил қилиб, уларнинг маъноси ва грамматик функцияларини гуруҳларга ажратиб талқин қилган. Жумладан, ўрин келишигини ифодалайдиган маъноларни учга бўлиб таҳлил қилади, яъни ўрин маъносини (*одоб бозорда сотилмас*), вақт маъносини (*тонгда Ҳайдар кўзларини очиб, уқалади*) ва бошқа хил маъноларни (*неча йил азобда умрим ўтказдим*) ифодалашига қараб таҳлил қилган.



Қолаверса, ўрин келишиги формасини ифодаловчи –да аффиксининг келишикларга хос бўлмаган бошқача грамматик функцияларини уч хил йўл (боғловчи вазифасида, сўз ясовчи аффикс вазифасида, кучайтирувчи, таъкидловчи аффикс вазифасида) орқали очиб берган [Расулов, 1956, б.65–85.]. Бош келишик бу ҳеч қандай келишик қўшимчасини олмаган от формасидир. Бошқа келишиклар каби бу келишикда қўшимча бўлмаганлиги сабабли бу

келишик “нуль кўрсаткичли келишик” ҳисобланади. Бу келишик бошқа келишик формаларининг ҳосил қилиниши учун бош манба, асос вазифасини бажаради. Аммо рус ва ғарб тилшунослари турк тили грамматикаси юзасидан илмий ишларида бу формани турлича терминлар билан атайдилар. Масалан, “номинатив”, “именительный”, “безсуффиксальный”, “прямой”, “абсолютный” ва “основной падеж” каби. Лекин ушбу келишикнинг бу каби терминлар билан аталашини уни тўлиқ маъноларини англатмайди. Шунинг учун Р.Расулов уни қолган келишикларни ҳосил қилишда эмас, балки отларнинг келишиклар билан турланишида асос, ўзак бўлиб хизмат қилишини изоҳлайди. Шунга кўра, бу келишикни рус тилида “основной падеж” деб аташ мумкинлигини таъкидлайди. [Расулов, 1954, б.57.]. Лекин бу термин ҳам бош келишикнинг тўлиқ маъносини очиб бера олмагани учун кейинчалик рус тилида ёзилган ўзбек тили грамматикаларида у “именительный падеж” деб берилган бўлса, ўзбек тилида ёзилган ўзбек тили грамматикасида бу форма “бош келишик” (главный, начальный, основной падеж) термини қўлланила бошланган. Чунки отнинг бу формаси нафақат отларнинг келишиклар билан турланишида, балки энг асосийси бошқа келишикларнинг формаларини ясашда асос, ўзак бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари Р.Расулов бош келишикнинг грамматик функцияларини чуқур таҳлил қилади. Бош келишикни гапда эга, иккинчи даражали бўлак (асосан аниқловчи, баъзи ҳолларда бирикма таркибида воситали тўлдирувчи), кесим вазифаларида келишини, қолаверса, унинг бу вазифалар орқали қандай маъно ва сўз туркумлари билан ифодаланишини ҳам кўрсатиб берган. Демак, бу келишик гапда асосий функцияси бўлмиш эга вазифасидан ташқари бошқа вазифаларни бажариши мумкин экан. Р.Расулов бош ва ўрин келишигигидан ташқари чиқиш келишиги устидан ҳам илмий тадқиқотлар олиб борган бўлиб, асосан ўзбек адабий тилида чиқиш келишиги ифодаляйдиган маъноларни классификация (тасниф) қилиб ўрганади. Чунки бу келишик ўзбек тилидаги барча келишикларга нисбатан кўп маъноли

келишик ҳисобланади. У чиқиш келишигининг маъно ифодалашига қараб уч гуруҳга ажратади: а) ўринга хос (*Сиддиқжон эртаси Баҳрободдан қайтиб келиб, бу ниятини Зуннунхўжага айтди*) б) вақтга хос (*Бувайдадан чиқиб кетганимга йигирма йилдан ошди*) ва в) ўрин ва вақтдан ташқари ҳар хил грамматик маъноларни (*Бу товушдан Саттаров уйғониб кетди*) ифодалашига кўра. Шунини таъкидлаш керакки, чиқиш келишиги локал келишик бўлганлиги сабабли унинг ўринга хос маънолари кенг ривожланган. Шунга кўра, Р.Расулов чиқиш келишигининг бу маъносига кўра ифодаланишига чуқур тўхталади. Бундан ташқари, –дан аффиксининг келишикларга хос бўлмаган бошқа функцияларини (масалан, айрим от, сифат, кўмакчи от, кўмакчи сифатдошларга кўшилиб, улардан равиш функцияси) ҳам бажаришини таҳлил қилади [Расулов, 1957, 31–60б.].

Демак, рус тилидаги келишиклар асосида ташкил топган ўзбек тилидаги келишиклар қатор тилшунослар томонидан тадқиқ қилинган. Келишикни келиб чиқиш масаласи, қадимда, ҳозирги ўзбек адабий тилида ва унинг шеваларида ифодаланишига кўра таснифланиши, бирининг ўрнида иккинчисининг қўлланиши – функционал алмашинуви, аралаш ёки параллел ишлатиши, у ёки бу келишикнинг маъноси ва гапдаги вазифасини аниқлаш ҳақида қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо уни рус тили грамматикаси асосида ташкил топган дейиш бир мунча ножоиз. Чунки туркий тиллар морфологиясида келишиклар қадимдан мавжуд бўлган. Қадимги туркий тилларда келишиклар сони ҳозирги замон туркий тиллар келишикларига қараганда кўпроқ бўлган. Унда асосан йўналишни билдирувчи келишиклар кўпчиликни ташкил қилган. Кейнчалик улар қисқариб ҳозирги ҳолатга келган. Шунинг учун уни структура жиҳатидан рус тили келишик категориясига мослаштириб ташкил қилинган десак, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки XX асрнинг бошларида рус туркшунос олимлари томонидан ўзбек тилшунослигини ўрганилишга, уни грамматикаси ҳамда фонетик тузилиши масалаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқишига эҳтиёж

пайдо бўлади. Шу тариқа улар ўзбек тилини рус тили таъсирида ўрганганлар. Шунини таъкидлаш керакки, ўзбек тилида грамматик категорияларнинг ўрганилиши ва уларни тушунишда рус туркшунослари (Е.Поливанов, А.Кононов, В.Решетов ва А.Боровковлар)нинг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, келишикларнинг миқдорини кўпайтириш (Х.Неъматов) ёки аксинча қисқартириш (Ш.Раҳматуллаев)га уринишлар ҳам бўлган. Юқорида санаб ўтилган илмий изланишлар ўзбек тилида келишик категориясини тушунишда, гапда тутган ўрни ва ифодалаган маъносини аниқлашда ва уни от ва отлашган сўзларга хос бўлган грамматик категория эканига ишонч ҳосил қилишга имкон беради.

### *2.3. Қиёсланаётган тилларда посессивлик майдонининг ифодаданиш хусусиятлари*

Фалсафий, лингвистик ва мантикий категорияларнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг бир-бирини тақозо қилиш муаммолари тилшуносликнинг фалсафа таркибидан ажралиб чиққан пайдан буён жуда кўп баҳоларга сабаб бўлиб келмоқда. Инсониятнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган ушбу масалалар фан ривожининг турли боскичларида зукко олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Масаланинг энг баҳс талаб тарафи шундаки, ҳам фалсафий, ҳам мантикий таҳлил талаб муаммолар ечимини тил унсурлари орқали топади.

Таҳлил этилаётган муаммо борасида баъзи бир аниқликларни киритиш мақсадга мувофиқ. Чунончи “посессивлик” тушунчасининг ўзи ҳам изоҳ талаб қиладиган тушунчалар сирасига киради. Бунинг учун, аввало, лингвистик майдон тушунчасини изоҳлаш керак.

Тилшунослик назарияси тарихидан шу нарса маълумки, лингвистик майдон тушунчаси тилшуносликнинг кун тартибига XX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб қўйилган ва бу борада дунё таниган тилшунос олимлардан Е.В.Гулига, Е.И.Шендельс, Г.С.Шчур, И.И.Мешчанинов, Й.Трир, Л.Вейсгербер, А.А.Уфимцева, Ж.Б.Бўронов, С.Р.Раҳимов, А.Ш.Собиров кабилар томонидан ривожлантирилиб, лингвистик категорияларни тадқиқ қилиш жараёнида бу тушунчалардан кенг фойдаланилган. (Бу ҳақида биринчи бобнинг 1.4. рукнини қаранг).

Илмий тадқиқотимизда посессивлик макромайдони тушунчасини кўллашимизга сабаб эгалликни ифодаловчи барча воситаларнинг қамраб олинганлигида деб биламиз.

Сўнгги йилларда лингвистик воқеаликларни категориялаштириш муаммоларига тилшунослар алоҳида эътибор беришмоқда, чунки тил тизимининг турли ярусларида жойлашган ифода воситаларини маълум лексик-семантик гуруҳларга ажратиш, уларни бошқа тил birlikларидан



фарқдовчи меъзонларни аниқлаб чиқиш лингвистиканинг кун тартибига долзарб қилиб қўйилаётган масалалардан ҳисобланади.

Аристотель томонидан санаб ўтилган ўнта фалсафий категория лингвистик воситаларсиз ўзларини намоён қилолмайди. Ана шуни ҳисобга олиб, фан тарихида файласуфлар, тилшунос олимларлар Аристотель томонидан ажратилган ўнта категорияни дастуриламал билишиб, турли соҳаларга тадбиқ этиб келишмоқда. Биз ҳам пўсессивлик микромайдонини лингво-типологик нуктаи назаридан категориялаштиришда Аристотель услубидан фойдаландик.

Таҳлил жараёнида қиёсланаётган тиллар турли тизимли тиллар сирасида эканлиги сабабли, посессивлик макромайдонининг ососи бўлмиш келишик категорияси хар иккала тилда турлича талқин қилинди. Инглиз тили аналитик тип тил бўлганлиги сабабли, келишик категориясининг бахсли томони мавжуд эканлиги аниқланди. Уни қўйидагича изоҳлаш мумкин. Масалани ўрганилганлик даражаси рукнида айтиб ўтганимиздек, инглиз тилида шакл ясовчи қўшимчалар жуда ҳам кам миқдорда бўлганлиги, келишикни грамматик категори сифатида инкор қилинишига олиб келди. Шу сабабли уни категориал мавқеини шубҳали ҳолатга олиб келди. Олимларнинг фикрича келишик категорияси грамматик категория эмас, балки синтактик категориядир, сабаби икки категориядан бирм, яъни эгаллик категорияси ясалишида қоида бўйича белгиланган ‘s қўшимча ҳамма отларнинг негизига ҳам қўшилавермайди ва ушбу маънони турдош отлар турли сшз бирикмалари орқали ифода этади, масалан: жонли отлар билан: *my friend's book*, жонсиз отлар билан: *the water of the river*.

Ўзбек тилида эса олтига келишик мавжуд бўлганлиги, келишик категорияси асос сифатида грамматик категориялар қаторидан ўрин эгаллайди. Шунинг учун биз биринчи навбатда қиёсланаётган тилларнинг кулишик борасида ухшашлик ҳамда фарқли томонларини аниқлаш учун қиёсий таҳлил олиб бордик. Натижалаги қўйидагича.

Келишик категорияси сўзларнинг ўзаро муносабатини, бир предметнинг иккинчи предметга қарашлилигини, предметнинг ўринга бўлган муносабатини, бирор иш бажаришда воситачи бўлиб хизмат қилишини ва бошқа бир қанча маъноларни билдиради.

Инглиз ва ўзбек тиллари ҳар хил системадаги тиллар бўлганлиги сабабли, бу тиллардаги келишик категорияси бир-биридан қуйидагича фарқ қилади:

- Инглиз тилида келишик категорияси яхши тараққий этмаган, ўзбек тилида эса яхши тараққий этган. Инглиз тилидаги иккита келишик, морфологик жиҳатдан, ўзбек тилидаги олтита келишик билан таққосланади: ингл.: Common case, Possessive case; узб.: Бош келишик, Қаратқич келишиги, Тушум келишиги, Жўналиш келишиги, Ўрин-пайт келишиги, Чиқиш келишиги.
- Инглиз тилидаги отларнинг келишик формасида қўлланилиши чегараланган, асосан киши номларини билдирувчи отлар келишик формасида, яъни эгалик келишги формасида қўлланади. Ўзбек тилида эса ҳамма отлар келишик формасида ишлатилаверади.

Ўзбек тилидаги шахс номларини билдирадиган отлар келишик формасида бўлса, инглиз тилида предлоглардан фойдаланилади. Масалаш

дарёнинг суви — *the water of the river,*

китобнинг муқоваси — *the cover of the book,*

соатнинг циферблати — *the face of a clock.*

*Умумий келишик* (Common case) ҳар икки тилда ҳам белгиланмаган, яъни улардаги морфологик кўрсаткич нолга баробардир. Инглиз тилидаги Common case билан ўзбек тилидаги бош келишкк бир-бирига доимий эквивалент деб ҳисоблаш катта хатодир, чунки умумий келишикдаги от ўзбек тилидаги олтита келишик формаси ёрдамида таржима қилиниши ҳам мумкин. Бу келишикни ўзбек тилидаги келишиклар билан таққослаганда ўндаги отлар предлогсиз ва предлогли келиши мумкин:

➤ предлогсиз келганда ўзининг гапдаги вазифасига қараб Common case кўпроқ бош келишиқда, қисман эса, тушум ва жўналиш келишиқларида таржима қилиниши мумкии:

*Lanny turned into Adderley Street* (P. Abrahams) — Ленни Аддерли-стрит кўчасига бурилди.

But most of all he would miss *Celia* ... (P. Abrahams). Ҳаммасидан ҳам Селияни соғинади.

Lanny nodded and lit *a cigarette* (P. Abrahams) — Ленни бош ирғаб кўйида папирос чекди.

Entering *the house* he went up the short flight of stairs to his room (Ibid) — Уйга кирдн-да, пастаккина зинадан ўз хонасига чиқди.

The students asked *the professor* for his new book — Студентлар профессордан унинг янги китобини сўрадилар.

➤ предлогли келганда Common case ўзбек тилидаги қаратқич, тушум, жўналиш, ўрии-пайт ва чиқиш келишиқларида таржима қилиниши мумқин:

The prospects *of this corporation* was splendid (W. Woodward). Бу корпорациянинг келажаги жуда яхши эди.

They brought him to *trial* and sentenced him to *death* for corrupting morals (W. Woodward). Улар уни судга олиб келдилар ва ахлоқ қондасини бузганлиги учун уни ўлимга ҳукм қилдилар.

Even Charles looking *over Marigold's shoulder* dropped his pipe *in astonishment* (M. Joseph). Ҳатто Чарльз ҳам Мэригоульднинг елкаси устидан энгашиб қараб, ҳайратдан ўзининг муштугини тушириб юборди.

Умумий келишиқдаги отлар предлогли бўлишига қарамай, айрим идиоматик ибораларда ўзбек тилига келишиқ формаларисиз ҳам таржима қилиниши мумқин:

to fail in love — севиб қолмоқ.

- Ўзбек тилида ҳам типологик таққослаш учун келишиқларнинг ўзинигина ажратиб олиш қиёсий типология талабига тўла жавоб беролмайди. Инглиз тилидаги преддогли ва предлогсиз отларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши шуни кўрсатадики, сўзларнинг грамматик алоқага киришида, ўзбек тилида келишиқлар билан биргаликда кўмакчилар ҳам қўлланилар экан. Шунинг учун ўзбек тилидаги келишиқларни ҳам кўмакчили ва кўмакчисиз келишиқларга бўламыз.

Инглиз тилидаги преддогли ва предлогсиз бирикмалар ўзбек тилига кўмакчи ва кўмакчисиз от формалари ёрдамида таржима қилиниши мумкин:

*to graduate from the Institute*— институтни тугатмоқ,

*to come across a difficult word*— қийин сўзга дуч келмоқ.

*to ask for help* — ёрдам сўрамоқ.

*for my friend* — ўртоғим билан,

*for my friend* — ўртоғим учун.

*like my friend* — ўртоғим каби.

*besides my friend* — ўртоғимдан (ташқари) бошқа.

*through my friend* —; ўртоғим (орқали) дан.

*through the garden* боғаро (оралаб).

*into the garden* — боғ ичига.

Шуни айтиб ўтиш керакки, инглиз тилида преддоглар асосан умумий келишиқдаги отларга қўшилса, ўзбек тилида ҳам соф кўмакчилар бош келишиқда отга бирикиб келади.

- Инглиз ва ўзбек тилларидаги келишиқ категориясини таққослашда сўз тартибидан ҳам фойдаланилади. Чупончи, тушум, жўналиш, чиқиш келишигидаги отлар инглиз тилига предлогсиз умумий келишиқ ёрдамида берилганда уларнинг гапдаги ўри асосий роль ўйнайди. Масалан:

*Мен Каримга китоб бердим* — I have given Karim a book.

*Мен Каримга китобни бердим* — I have given Karim the book.

- I have given a (the) book to Karim

*Мен у кичкина болага дарёдан ўтишга ёрдам бердим* — I helped that little boy to cross the river.

- Инглиз тилидаги эгалик келишигининг эгаликни билдириб келгандаги предлогли ва предлогсиз вариантлари асосан ўзбек тилидаги кўмакчисиз ва кўмакчили қаратқич келишиги ёрдамида берилади. Ундан ташқари, инглизча эгалик келишигидаги отларни сифатлашгаи сўзлар ёрдамида ҳам бериш мумкин:

*Children's room* — болалар хонаси;

*a three days' journey* — уч кунлик саёҳат;

*today's match* — бугунги матч.

- Инглиз тилидаги умумий ва эгалик келишикларининг предлогли ва предлогсиз формалари ўзбек тилидаги олтита келишикнинг кўмакчили ва кўмакчисиз формалари ёрдамида берилади. Ундан ташқари, ўзбек тилидаги бош, қаратқич, тушум, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларининг формалари ннглиз тилида куйидагича ифода этилади:
  - предлогли ўмумий ва эгалик келишиклари ёрдамида,
  - предлогсиз умумий ва эгалик келишиклари ёрдамида,
  - сўз тартиби ёрдамида,
  - лексик ва грамматик усуллар ёрдамида.

### *Иккинчи бобга хулоса*

Иккинчи боб уч рукндан иборат бўлиб, дастлаб инглиз тилида келишик категорияси муаммо сифатида ўрганилди.

Инглиз тилида келишик форма ва унинг таркибий қисмлари шунингдек, маъно ва функциялари жиҳатидан узок йиллар давомида тилшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келгани маълум. Ушбу тилда келишик категорияси турли тилшунослар томонидан турлича талқин қилиниб келинган. Жумладан, бу борада М.Дейчбейн, Ж.Вебер, Г.Суит, Ч.Филлмор, О.Есперсен, Б.Ильиш, А.Мухин, Н.Слюсарева, Г.Воронцова, каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг тадқиқотлари натижасида инглиз тилида келишик категорияси мавжуд эмас, деган хулосадан тортиб, келишик категорияси маъно жиҳатдан чексиз кўринишга эга, деган фикрлар пайдо бўлган. Дарҳақиқат, бу тилда келишик формаси масаласи муаммоли масаладир.

Иккинчи бобнинг иккинчи руки ўзбек тилида келишик категориясининг ривожланиш тарихини ўрганишга бағишланган. Ўзбек тилида келишик категорияси юзасидан турли тилшунос олимларимиз томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Е. Поливанов, А.Кононов, А.Боровков, В.Решетов, А. Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев, Ғ.Абдурахмонов, Ҳ.Неъматов, Т.Иноятов, И.Зиёева, Р.Расулов, А.Чориев каби тилшуносларнинг илмий изланишлари диққатга сазовордир. Улар ўзбек тилидаги келишик категориясининг ўзига хос жиҳатлари, синтактик–семантик ва морфологик–синтактик хусусиятларини илмий таҳлил қилишган.

Ўзбек тилида келишик категорияси от ёки отлашган сўзнинг феълга, отга ёки бошқа бирор сўзга грамматик алоқасини — гап тузумида гап бўлаклари ўртасидаги муносабатларни англатадиган грамматик категория бўлиб, махсус аффикслар билан ифодаланади. Келишик аффикслари от, олмош ёки отлашган сўзнинг гапда алоқа–муносабат вазифасини кўрсатади. Отларнинг гапда

келишик афиксини олиб ўзгариши турланиш, келишик афиксининг ўзи эса турловчи деб аталади. Келишик ҳар бир от сўзнинг турланишида катнашадиган грамматик форма.

Иккинчи бобни учинчи рукни қиёсланаётган тилларда поссессивлик майдонининг ифодаланиши хусусияти ҳақида бўлиб, аввало майдон тушунчасининг изоҳлашни лозим топдик.

Тилшунослик назарияси тарихидан шу нарса маълумки, лингвистик майдон тушунчаси тилшуносликнинг кун тартибига XX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб қўйилган ва бу борада дунё таниган тилшунос олимлардан Е.В.Гулига, Е.И.Шендельс, Г.С.Шчур, И.И.Мешчанинов, Й.Трир, Л.Вейсгербер, А.А.Уфимцева, Ж.Б.Бўронов, С.Р.Раҳимов, А.Ш.Собиров кабилар томонидан ривожлантирилиб, лингвистик категорияларни тадқиқ қилиш жараёнида бу тушунчалардан кенг фойдаланилган. (Бу ҳақида биринчи бобнинг 1.4. рукнини қаранг).

Таҳлил жараёнида қиёсланаётган тиллар турли тизимли тиллар сирасида эканлиги сабабли, поссессивлик макромайдонининг ососи бўлмиш келишик категорияси ҳар иккала тилда турлича талқин қилинди. Инглиз тили аналитик тип тил бўлганлиги сабабли, келишик категориясининг бахсли томони мавжуд эканлиги аниқланди. Уни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Инглиз тилида шакл ясовчи қўшимчалар жуда ҳам кам миқдорда бўлганлиги, келишикни грамматик категори сифатида инкор қилинишига олиб келди. Шу сабабли уни категориал мавқеини шубҳали ҳолатга олиб келди. Олимларнинг фикрича келишик категорияси грамматик категория эмас, балки синтактик категориядир, сабаби икки категориядан бирм, яъни эгалик категорияси ясалишида қоида бўйича белгиланган ‘s қўшимча ҳамма отларнинг негизига ҳам қўшилавермайди ва ушбу маънони турдош отлар турли сшз бирикмалари орқали ифода этади, масалан: жонли отлар билан: *my friend's book*, жонсиз отлар билан: *the water of the river*

Ўзбек тилида эса олтига келишик мавжуд бўлганлиги, келишик категорияси асос сифатида грамматик категориялар қаторидан ўрин эгаллайди. Шунинг учун биз биринчи навбатда қиёсланаётган тилларнинг кулишик борасида ухшашлик ҳамда фарқли томонларини аниқлаш учун қиёсий таҳлил олиб бордик.



***III боб. Инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг  
концептуал таҳлили***

***3.1. Когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг  
асосий ҳолатлари***

Маълумки, ҳар бир даврда ўз ривожланиш жараёнига кўра тилшунослик ва унинг турли соҳалари тараққий этган. Жумладан, XVIII асрда асосан қардош тиллар орасида қиёсий тарихий қарашлар мавжуд бўлган бўлса, ўтган асрда ҳукмрон бўлган структурал парадигманинг ўрнини антропоцентрик, функционал, когнитив ва динамик парадигмалар мажмуи эгаллади. Антропоцентрик парадигмада бу изланувчи қизиқишларининг англаш объектларидан субъектга ўтиш, бошқача қилиб айтганда инсондаги тил ва тилдаги инсон таҳлили тушунилади.

Замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмасида қатор йўналишлар тараққий этмоқда, улардан когнитив тилшунослик ва лингвокультурология бугунги кунда энг долзарб йўналишлар ҳисобланади. Когнитив тилшунослик тилни трансформацияланишида ва кодлаштирилишида когнитив механизм сифатида уни ўрганади. Бу тилшуносликнинг мақсади қабул қилиш жараёнини қай тарзда пайдо бўлиши, категорияланиши, таснифланиши ва дунёни ўз нуқтаи назаридан тушунишни ўз ичига олади.

Лингвокультурология бу тилшунослик ва культурологиянинг ўзаро тўқнашуви асосида пайдо бўлган мураккаб илмий фан йўналишидир. У маданият билан тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини, тилни маданиятнинг феномени сифатида ўрганади. Бу миллий тил призмаси орқали дунёни маълум даражада кўриш, тилнинг маълум миллат ақл ва маданияти орқали намоён бўлишидир.


Кўпчилик мутахассисларнинг изоҳлашича, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология ягона умумий когнитив фанлар уюшмаси қолип ичида раванқ топмоқда [Кубрякова, 1994, №4]. “Когнитив фан” термини ўз ичига жараёнларни биргаликда ўрганиш, уларни қабул қилиб қайта ишлаш, сақлаш

ва фойдаланиш, билимлар структурасини ташкил қилиб жамлаш, қолаверса, ушбу структураларни инсон мия фаолиятида шакллантириш учун бирлашган маълум илмий қарашлар мажмуини ташкил қилади. Когнитив фан математика, мантиқ, фалсафа, антропология ва тилшунослик билан узвий боғлиқдир.

Шунга кўра антропоцентрик парадигманинг юқорида санаб ўтилган икки йўналишларига “тил ва инсон” диадаси хосдир. Қолаверса, “концепт” ва “дунё тасвири” атамалари тилшуносликнинг ушбу йўналишларида алоҳида тушунча ва аҳамиятга эга.

Когнитив тилшуносликда концепт орқали хотиранинг оператив таркибий бирлиги, ментал лексикон, концептуал системалар ва мия тили, инсон тушунчасида акс этган дунёнинг барча тасвири тушунилади. Когнитив тилшунослик нуқтаи назарида концептлар онгда мужассамлашган, ҳамда инсон фикрлаши жараёнида онгида ҳосил бўладиган мураккаб birlikлардир. Бошқача қилиб айтганда, концептлар инсон билимини сақловчи birlikлар сифатида акс этади. Когнитив тилшуносликда концептлар дунё ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган концептуал системаларнинг тил ифодаси орқали намоён бўладиган birlikлардир [Пименова, М. В. , 2004, № 4.].


Шу тариқа когнитив тилшуносликда “тил ва инсон” диадаси “тил–инсон–онг” триадасига ўзгаради. Мисол тариқасида когнитив нуқтаи назардан “севги” концепти қисқача таҳлил қилинадиган бўлса, юқорида келтирилган изоҳларга асосан когнитив тилшуносликда у асосан фреймларга бўлиниб ўрганилиши мумкин. Масалан, севгини ижобий ва салбий туйғу сифатида иккига бўлиб изоҳлаш мумкин:



Бу орқали инсон онгида бу туйғу турлича талқин қилиниши ва у тил орқали турли лексик бирликлар билан ифодаланиши мумкин.

Лингвокультурологияда ҳам когнитив тилшуносликдаги каби концептуал тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллайди. Когнитив тилшуносликнинг тадқиқот предмети бўлмиш когнитив концептдан фарқли ўларок лингвокультурологиянинг тадқиқот предмети бу маданий концептдир. Лингвокультурологияда концепт “маданий-онгли-лисоний” ифода тарзида англашилади.

Маданий концепт кўпқиррали ментал ифода ҳисобланади. Ю.С.Степановнинг фикрича, концепт бу инсон онгидаги маданиятнинг бир қисмидир ва шу орқали маданиятни инсоннинг ментал дунёсига киритади. [Степанов, 2001.]. Юқорида келтирилган антропоцентрик парадигманинг “тил ва инсон” диадаси лингвокультурологияда “тил–инсон–онг–маданият” конструкциясига ўзгаради. Бунга мисол қилиб яна “севги” концептини келтириш мумкин. Аммо бу ерда у лингвокультурологик нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Бунда бу концептни учта йирик категорияга бўлиб ўрганиш ҳам мумкин:



Юқоридаги кластердан кўриш мумкинки, “севги” концепти жуда кенг маънога эга ва уни маданий жиҳатдан турли тушунча ва тасаввурлар орқали талқин қилиш мумкин. Жумладан, биргина фалсафий жиҳатдан олинadиган бўлса, “севги” концепти турли миллат ва маданиятда традиент→социал→моддий даража сифатида ўрганилиши мумкин. Бундан ташқари, бу концептнинг миллий-маданий хусусиятлари турли миллат адабиёти ва шериятида яққол кўзга ташланади. Масалан, ғарб халқларида бу концепт инсон зотиға нисбатан кучли эҳтирос ва ҳис-туйғуларни акс эттирса,

шарқ мамлакатлари халқлари шеъриятида асосан буюк муҳаббат диний нуқтаи назардан аллоҳга қаратилган бўлади.

Шунингдек, сўнгги пайтларда когнитив концепт ва маданий концептнинг ўзаро фарқлаш ҳолатлари кузатилмоқда. Жумладан, Г.Г.Слышкин бу фарқларни қуйидагича ифодалайди:

1) Когнитологлар учун бир концепт бир тил бирлигига тўғри келади. Лингвокультурологлар учун концепт бир қатор тил birlikлари ёрдамида ҳосил бўлиши мумкин.

2) Когнитологлар учун ҳар бир сўзнинг ўз концепти мавжуд бўлади. Лингвокультурологлар учун концептнинг асосини маълум маданий ифодага эга бўлган birlikлар ташкил қилади. Е.В.Бабаеванинг фикрича, лингвомаданий концептнинг асосида қадрият ётади [Бабаева, 2004.]. Когнитив тилшуносликда эса асосий эътибор концепт турлари (фрейм, схема, сценарий каби)га қаратилади.

Шу тариқа, маданий концептнинг айнан қадриятни ифодаловчи томони уни когнитив концептдан фарқлаб туради. Қолаверса, когнитив тилшуносликнинг вазифаси концептлар турини аниқлашга қаратилган бўлса, лингвокультурологик изланишлар натижасида маданиятлар, қадриятлар тушунчалари билан бойитилган концептлар луғатлари вужудга келади.

Ўтган асрнинг охирида тилшуносликнинг атамалари қаторига яна бир атама “дунё тасвири” атамаси киритилди. Дунёнинг тасвири бу инсоннинг онгида ривожланиш фаолияти жараёнида пайдо бўлган дунёнинг умумий кўринишидир. Дунё тасвири турли фанларда турлича шаклланган бўлади. Замонавий тилшуносликда эса бу атама “дунёнинг лисоний тасвири” деб юритилади ва у орқали тилда акс этган дунё ҳақидаги билимлар тўплами тушунилади.

Когнитив тилшунослик билан боғлиқ бўлган тадқиқотларда дунёнинг лисоний тасвири билан дунёнинг концептуал тасвирини фарқлаш муҳим

хисобланади. Дунёнинг концептуал тасвири дунёнинг лисоний тасвирига нисбатан кенгроқ ва бойроқ концептлар мажмуига эгадир.

Лингвокультурологияда тилда мураккаб қадриятларни ўрганиш билан бирга дунёнинг маданий тасвирини кўриб чиқиш талаб қилинади. Дунёнинг маданий тасвирини ўрганишда лингвокультурологиянинг мутахассислари (Теребихин Н.М., Топорова В.Н., Гачев Г.Д.) қатор ҳолатларни келтирадилар:

- тилда дунёнинг маданий тасвири ўз ичига умуминсоний ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини қабул қилади.
- дунёнинг маданий тасвирида тилда сақланувчи ва қўлланилувчи маданиятга хос бўлган маънолар, маданий-қадриятли доминантлар, маданиятнинг маълум турларини ҳосил қилувчи тушунчалар мавжуд бўлади.
- дунёнинг маданий тасвири бир тил маданияти қолипида ягона тасаввурни ифодаламайди, чунки турли миллат вакиллари турли қадриятларга эга бўлиши мумкин.
- дунёнинг маданий тасвири нафақат индивидуал балки жамоавий онгда мавжуд бўлади [Карасик, 1996.].

Шу тариқа лингвокультурология дунёнинг умумий тасвиридаги қолипида дунёнинг маданий тасвирини тил нуқтаи назаридан ажратишни кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, когнитив тилшунослик ва лингвокультурология асосида ҳам қатор йўналишлар ривож топмоқда. Масалан, ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида когнитив тилшунослик ва политологиянинг асосида сиёсий мураккаб мулоқот бирликлар мужассамлашган дискурсни ўрганадиган сиёсий тилшунослик йўналиши вужудга келди. Шу вақтнинг ўзида лингвокультурологияда ҳам фалсафий ном билан қадриятларни ўрганувчи аксиологик тилшунослик янги йўналиши раванқ топди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг асосий тушунчалари бўлмиш “концепт” ва “дунё тасвири” ни тилшуносликнинг бу икки йўналишида ўзига хос умумий ва фарқли жиҳатлари қисқача тарзда назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида когнитив тилшунослик ва лингвокультурологиянинг умумий жиҳатлари қилиб бу иккала йўналишда бир хил атамаларнинг ишлатилиши, тилга бўлган интегратив ёндашуви, концепт ва дунё тасвирини тадқиқ қилишда “тил ва инсон” диадасига бўлган катта эътиборни келтириш мумкин. Бошқа тарафдан эса бу тушунчаларнинг тилшуносликнинг ушбу йўналишларида ўзига хос чегара ва маълум концептуал ва маданий қолиплар асосида қўлланилиши ва ифодаланишини кузатиш мумкин.

### ***3.2. Қийёсланаётган тилларда поссессивлик тушунчасининг миллий-маданий хусусиятлари***

Ҳозирги вақтда ҳорижий тил муаммоларини ўзбек тили масалалари билан боғлаб ўрганиш, уларнинг тафоввутли ва мутаносиб томонларини солиштириш, жумладан, турли тизимга тегишли бўлган инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик (эгалик) категориясининг бугунги кунда тилшуносликнинг долзарб йўналишларидан бири бўлмиш лингвокультурология ёрдамида унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Маълумки, ҳар бир даврда ўз ривожланиш жараёнига кўра тилшунослик ва унинг турли соҳалари тараққий этган. Хусусан, бугунги кунда ўтган асрда ҳукмрон бўлган структурал парадигманинг ўрнини антропоцентрик, функционал, когнитив ва динамик парадигмалар мажмуи эгаллади. Антропоцентрик парадигмада бу изланувчи қизиқишларининг англаш объектларидан субъектига ўтиш, бошқача қилиб айтганда инсондаги тил ва тилдаги инсон таҳлили тушинилади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмасида лингвокультурология бугунги кунда энг долзарб йўналишлардан ҳисобланади. У маданият билан тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини, тилни маданиятнинг феномени сифатида ўрганади. Қолаверса, тилшуносликнинг бу йўналиши орқали турли тизим ҳамда, турли маданиятга тегишли бўлган инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик категориясининг лингвокультурологик таҳлилинини қийслаб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Поссессивлик асосан бу икки объектнинг орасидаги муносабат, бирининг иккинчисига эгалиги ёки тегишлилиги тил воситалари орқали ифодаланишидир. Бу муносабатлар “қаратқич-қаралмиш” деб аталиб, улар ифодалаган бирликлар поссессив конструкциялар деб номланади. Одатда, поссессор, яъни қаратқич сифатида инсон англашилади. Шунинг учун



посессив муносабатларда унинг бирор предметга эгаллиги ёки бирор объектнинг инсонга тегишлилиги тушунилади.

Ўзбек тилида посессивлик отнинг категорияларидан бири бўлиб, тор доирада келишик категорияси билан бир қаторда фақат қўшимчалар орқали ифодаланиши кўрсатилган (Ф.Абдуллаев, Ш. Раҳматуллаев, А. Кононов, Б. Серебренников, Н. Гаджиева). Ўзбек тилида бу категория предметнинг уч шахснинг бирига тегишлилигини билдиради. Эгалик қўшимчасини олган сўз қаратқич келишигидаги от ёки олмош билан боғланади. Шунингдек, қуйидаги кластерда ўзбек тилида посессивлик категориясининг ифодаланиш усулларини кўриш мумкин:



Инглиз тилида ҳам посессивлик категориясини ифодаловчи воситаларни кўриш мумкин. Ушбу тилда бу категория ўзбек тилидаги каби бир объектнинг иккинчисига тегишлилигини ёки эгаллигини ифодалайди:

## Посессивлик



Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу категория ҳар иккала тилда ҳам ўзига хос усуллар орқали ифодаланган. Посессивлик категорияси инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам умумий морфологик, синтактик йўллар билан ҳосил бўлган. Бундан ташқари, тилшуносликнинг янги йўналиши бўлмиш лингвокультурология орқали ҳам ушбу категориянинг турли тизимга тегишли бўлган тиллар маданиятида ифодаланишининг ўзига хос хусусиятларини кузатиш мумкин. Посессивлик категорияси орқали ифодаланган баъзи сўз бирикмаларида инглиз ва ўзбек миллатининг ўзига хос ҳамда, уларнинг миллий маданий хусусиятларини ифодаловчи сўз бирикмаларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, инглиз тилида миллий-маданий хусусиятларни ифодаловчи посессивлик қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- Асосан ўзлик олмошлари билан келган сўз бирикмаларида:

*My Fair Lady, my  
good fellow,  
my good man;*

*Your Highness, Your  
Honor, your humble  
servant;*

*His Majesty, His Majesty's  
Government, His Master's  
Voice.*

- Дўкон, ресторан, черков, колледжларнинг эгалари ёки касбларининг номи билан посессив бирикмалар орқали аталишида:

*the grocer's,  
the newsagent's,  
the dentist's.*

*the chemist's,  
Tommy Tucker's,  
Saint James's.*

*the vet's,  
Smith's,  
Luigi's,*

Ўзбек тилида ҳам посессивлик категорияси орқали ифодаланган ўзига хос миллий-маданий хусусиятни билдирувчи бирикмаларга дуч келиш мумкин:

- Посессив муносабатлар кишилик олмошлари ҳамда, *бор бўлмоқ* ёрдамчи феълнинг *–dir* кўриниши орқали ҳосил бўлади: *мен Зарифаман, биз инсондирмиз.*
- Посессивлик ўзбек миллатига хос бўлган ҳурмат маъносини ифодалаган бирикмаларда келади. Масалан, “*ҳурматли президентимиз*”, “*меҳрибон отамиз*” каби сўзларда учинчи шахс бирлигидаги сўзга учинчи шахс кўплигидаги эгалик қўшимчасининг қўшилишини кузатиш мумкин. Бу орқали ўзбек миллати учун улуғ бўлган бу зотларга эҳтиром маъноси ифодаланган.
- Ўзбек миллатида кинояларни ифодалашда ҳам посессивлик категориясидан фойдаланилади. Хусусан, “*тақдиримиз шу экан*”, “*ҳа, энди дилимиздаги кўриниб турибди*” сингари ибораларда биринчи шахс кўплик орқали биринчи шахс birlikдаги маъно ифодаланган.

Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларидаги посессивлик категориясининг лингвокультурологик хусусиятлари ўртасидаги фарқни асосан ўзбек миллатига хос бўлган оилада эгалик қилиш ҳиссининг кучлилигини оила аъзоларига мурожаат қилишдаги ҳолатда кўрсатиш мумкин. Зеро бундай хусусият инглиз миллати вакиллари учун хос ҳисобланмайди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, посессивлик категорияси турли тизимга тегишли бўлган тиллар морфологияси ва синтаксисида умумий ва фарқли жиҳатлари, унинг ҳосил бўлиш йўллари, қолаверса, лингвокультурологияда унинг ўзига хос бўлган хусусиятларининг қисқача таҳлили амалга оширилди. Кўриниб турибдики, ўзбек тилида посессивлик категорияси нафақат эгалик қўшимчалари, балки қаратқич келишиги қўшимчаси орқали қаратқич-қаралмиш муносабатлари, ўзлик олмошлари, ҳамда, -ники тегишлилик қўшимчаси билан ҳам ифодаланади. Шунингдек, инглиз тилида ҳам посессивлик 's формасидан ташқари, ўзбек тилидаги каби ўзлик олмоши ва ундан фарқли равишда предлоглар воситасида, ҳамда, синтактик йўл билан ифодаланади. Бундан ташқари, лингвокультурологик жиҳатдан бу категория ушбу тилларда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

### ***3.3. Қийсланаётган тилларда посессивлик тушунчасининг гендер жиҳатдан ўзига хосликлари***

Сўнгги йилларда тилшунослик фанида антропоцентрик парадигманинг замонавий йўналишлари ривожланиб бормоқда. Шулар жумласига гендер тилшқнослигини ҳам киритиш мумкин. Маълумки, гендер тапдқиқотлари аввало ғарб гуманитар фанларида жадаллик билан ривожлана бошлади. Уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига асосий сабаб тафаккур, фан фалсафаси ва жамият фалсафаси муаммоларига янгича қарашлар бўлди. Гендерологиянинг асосий тадқиқот объектлари сифатида “гендер” тушунилади. У ўз ичига маданиятларнинг миллий тавсифини, ижтимоий жамиятда эркаклар ва аёлларнинг ўрни, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда хулқ-атворини олади. Тилшуносликнинг ушбу йўналишидаги “гендер” атамаси ҳам муамоли тушунча ҳисобланади. Бунда асосан “гендер” ва “жинс” тушунчаларининг фарқланиши муносабати гендер билан боғлиқ бўлган барчв йўналишлар тилшунослар диққат марказида бўлиб келган. О.В. Рябов ушбу икки терминнинг муносабатини бутун ва қисм тарзида тушунтиради: “Жиис биологик ижтимоий ва маданий белгиларига эга бўлган ижтимоий-маданий жинсдан таркиб топган. Шунинг учун “гендер” ва “жинс” “род ва кўриниш” тарзида эмас, балки “бутун ва бўлак” тарзида намоён бўлади.” (Рябов, 2001).

Тилшунослик йўналишида гендернинг таърифини келтирганда тил категориялари ва лингвистик методлар чегарасидан четга чиқмасликл лозим. И.М.Кобозеванинг таъкидлашича, ушбу таъриф “тўрт турдаги мавжудликни ўзаро алоқаларини қамраб олган тил белгилари хусусиятларидан иборат бўлиши даркор:

- мавжуд оламнинг категориялари;
- мантиқ ва инсон онги психологиясидан иборат тафаккур категориялари;

- прагматик факторлар, яъни инсон фаолиятида айнан тилдан фойдаланишга қаратилган ҳолатлар;
- тил тизими бирликлари белгилари орасида ўзаро муносабат” (Кобозева, 2002, с.43).

Маълумки, қатор тилларнинг гендер жихатдан хусусиятлари талқик қилинадиган бўлса, унинг маданий қиёси, яроқлилиги, турғунлиги эътибор марказида бўлмай қолмайди. Тилнинг гендер аспектларини белгилашда аввало тилнинг турли қатламларида жинс тушунчасининг концептуализацияси ва унинг лингвистик воситалар орқали фойдаланишини аниқлаш лозим.

Тилнинг гендер аспектлари миллий-маданий қадриятлар билан бир қаторда бирор миллатнинг этник маданияти билан ҳам узвий боғлиқ. Бу эса маълум маданиятда концептларнинг турли томонларини очиб берадиган тадқиқот жараёнлари тизимини маданий асосий омилларини кўрсатиб беради. (Карасик, 1996, с.7)

Тилнинг гендер эҳатидан таҳлил қилиниши нафақат унинг антропоцентрик парадигмасини тушунишда, балки унинг эркаклик ва аёллик хусусиятларини аниқлашда хизмат қилади. Шу ўринда В.А.Маслованинг “инсонга дунёнинг аксарият маълумоти лингвистик канал орқали қабул қилинади, шунинг учун инсон нарса-буюмлар оламида кўра унинг ўзи ҳосил қилган интеллектуал, маънавий, ҳамда ижтимоий эҳтиёжлар концептлар оламида яшайди” (Маслова, 2001, с.35) деган фикрини келтириш мумкин. Қолаверса, гендер ёрдамида инсоният индивид ва ижтимоий онг сифатида оламни тушуниши ва уни баҳолаши эркаклар ва аёлларнинг ўзаро муносабатлари асосида раванқ топган инсониятнинг ранг-баранг алоқаларини ўрганиш мумкин. Шунга кўра, гендер аниқлашган манба сифатида инсон ҳаётининг ўзига нисбатан барча ижтимоий-маданий табиатига қаратилган томонларини аниқлайди (Хадеева, 1999, с.4).

Шу жумладан, посессивликнинг ҳам турли тизимли тилларда гендер жиҳатидан ўзига хосликларини кузатиш мумкин.

Аввало посессивлик тилшуносликда қандай аҳамият касб этишига аниқлик киритиш лозим. Барчага сир эмаски, бугунги кун тилшунослигида антропоцентрик парадигма жадаллик билан таракқий этиб бормоқда. Ушбу ҳолат турли миллат тилшунослигига ўз таъсирини кўрсатмай қўймапти. Шу ўринда инглиз ва ўзбек тилшунослигида ҳам яна сир семантик категориянинг вужудга келишига айти шу ривожланишлар туртки бўлди десак муболаға бўлмайди. Ҳозирги кунда соддаликдан мураккабликка ўтиш, тилда мавжуд бўлган бирликларни инсон онги тафаккури ёрдамида англаши, унинг концептуал аҳамиятига бўлган эътибори кучаймоқда. Шу жумладан, грамматик категория бўлмиш эгалик категориясини ўз ичига олган ҳолда янада кенгроқ тушунчага эга бўлган посессивлик категорияси бу икки тилда нафақат грамматик воситалар орқали эгаликни, балки турли лексик, синтактик воситалар ёрдамида тегишлилик, бутуннинг бир қисмини, алоқадорлик каби семантик тушунчаларни ўз ичига олган категория вужудга келди. Маълумки, посессивлик категориясини ташкил килувчи посессивлик тушунчалари тилдаги турли (ўзбек тилида эгалик қўшимчалари, қаратқич келишиги, ўзлик олмошлари ва *-ники* қўшимчаси орқали, инглиз тилида эса *'s* форманти, *of*, *to* предлоғлари, ўзлик олмошлари ҳамда синтактик) воситалар орқали ифодаланади. Шунингдек, ушбу воситалар билан ифодаланган ҳар иккала тилдаги фразеологик ва паремиологик бирликларда гендер жиҳатдан ҳам ўзига хосликлари намоён бўлади. Бунинг учун тиллардаги фразеологик ҳамда паремиологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлилни амалга ошириш мумкин.

Гендернинг ҳар бир миллат ва элат лексикасида кузатиш мумкин. Аёллик ва эркаклик образлари турли этнос ва маданиятнинг лексикасида, шу жумладан, фразеологик ва паремиологик бирликларида акс этади. Унда

посессивликнинг яширин семантик кўриниши мисол бўла олади. Ушбу бирликлардаги ўзига хосликни бир нечта гуруҳларга ажратиб кўрсатса бўлади:

- бошқа миллатлар тил тизимида учрамайдиган эркак ва аёлларнингташқи кўриниши ва характериға хос хусусиятларға эға бўлган фразеологизмлар, улардаги посессивлик тушунчаси яширин чемантик хусусиятларға эға, масалан, инглиз тилида “*May Queen*” (“май қироличаси” –май ойи бошларида миллий ўйинларда гузаллиги учун “қиролича” қилиб танланган ва гулчамбардан тож кийдирилган қиз, яъни “*May Queen*” аслида “*Queen of May*” структурасига эға бўлган бирикма ҳисобланади, бунда посессивликнинг яширин кўриниши акс этган). Яна бир мисол: “*King Log*” (“*Тўнка қирол*” – имкониятларидан унумлим фойдалана олмайдиган пассив эркак) каби (Cowie, 1984, p. 26, 109).

Ўзбек тилида “*устаси фаранг*” (ўз ишининг моҳир устаси, уддабурон киши), “*бек ойим*” (беклар онаси ёки хотини ва уларға мурожаат формаси), “*Биби Сешанба*” – “*Сешанбанинг Бибиси*” (ип йигирувчи хотинларнинг муқаддас саналган афсонавий ҳомийси, пири) ва б.к. (Маъруфов, 63, 97, 110, 295) киради.

- Қўп тилларда учрайдиган эркак ва аёлларнинг турли образларига асосланган фразеологизмлар, масалан, “*эркак сабзи*” образи аёллик жозибасини йўқотган, эркаклар шуғулланадиган иш билан машғул бўлган аёлларға нисбатан ишлайтилади; инглиз тилида ҳам шунга ўхшаш “*blue stockung*” яъни илм-фанға муккасидан кетиб аёллик жозибасини йўқотган аёлларға нисбатан ишлатилади.

Посессивликнинг гендерлик хусусиятларини структуравий-семантик жиҳатдан икки гуруҳға бўлиб кўрсатиш мумкин:

- Умумий турли тизимдаги тиллар лексикасида учрайдиган фразеологик ва паремиологик бирликлар таркибида, масалан, инглиз тилида эркакларға нисбатан “*general’s battle*” (эркаклар жанги, эркаклар иши, ишни



эркакчасига битириш); *“brother of the angle”* (балиқ овида ошналар, хамфикрлар); *“chip of the old block”* (отасининг боласи, кўпинча ўғил фанзандлар хақида); *“gentleman of lead”* (жамиятда юқори максабни эгалловчм инсон) бўлса, ўзбек тилида “қулоғида кун кўриниб копти” (асосан, янги ўйланган йигитга нисбатан ишлатилади); “жон куйдирмасанг – жонона қайда” (ёр висолига етишиш учун сиртки дилдан эришиш); аёлларда инглиз тилида *“set one’s cap at somebody”* (хийла билан ўзига қайлиқ қидириб турмушга чиқиш); *“lady of the house”* (уй бекаси); *“one’s good lady”* (жуфти халол); *“one’s best girl”* (суюкли ёр); ўзбек тилида “сочи узуннинг ақли калта”, “онаси ўнмаган”, “аёл макри қирқ туяга юк”, “бўйида бўлмоқ” каби ибораларни келтириш мумкин.

Юқорида келтирилган бирликлардан кўриниб турибдики, хар иккала қиёсланаётган тилда ҳам эркакларни таърифлашга нисбатан ишлатилган бирликларда посессивликни билдирувчи воситалар билан эгалик, устунлик маънолари англашилган бўлса, фёлларни таърифлаган бирликлар асосан тегишлилик, итоаткорлик маънолари ифодаланган. Шу сингари иборалар бу иккала тилдан ташқари бошқа тиллар маданиятида ҳам учраб туради.

- Миллий-маданий хусусиятларини ўз ичига олган бирликлар ёрдамида, масалан, инглиз тилида *“keep Bach”* (бўйдоқ), маълумки инглиз ва ғарб маданиятида бўйдоқлик оила қуришга нисбатан кўпроқ қўллаб-қувватланади. Инглиз тилида ҳатто оилада гендер ролларининг ўзига хос ифодасини кўрсатувчи мақоллар ҳам учрайди. Бу ерда ўзбеклардан фарқли равишда эркак кишининг бахти бўлажак турмуш ўртоғининг моддий аҳволи ва тўлақонли фойдавга асосланган никоҳни ифодалайди: *“A man’s best fortune or his worst is a wife”* (Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин); *“A fair wife without fortune is a fine house without furniture”* (Эпсиз келин – сепсиз келин).

Инглиз маданиятидаги оиладан кўра бўйдоқликни маъқул топиш асосан аёллар характеридаги салбий ҳислатлар билан боғлиқлиги асос

бўлади. Буни яна қўйидаги мақолларда кузатиш мумкин: *“A dead wife’s the best good in a man’s house”* (Аёлининг улими эрининг бахти ёки эркак кишининг бевалиги али қабридан утти кадам нарида тугайди.); *“Every man has two good days with his wife – the day he marries her, and the day he berries her”* (Ҳар бир эркакнинг аёли билан икки бахтли куни бор – бири тўйи бўлган кут бўлса, бири ўлган кунидир.). қолаверса, посессив бирикмалар орқали ифодаланган инглиз монархиясига оид бирликлар орқали фразеологизмларни ҳам кўриш мумкин: *“King of the clouts”* (лапашанг); *“Knight of the brush”* (рассом); *“Father of the church”* (рухоний). [Кунин, 1967, 318, 516, 518].

Ўзбек тилида ҳам миллий маданиятни ифодаловчи посессивлик маъноси билан айнан эркакларга хос бўлган бирликларни келтириш мумкин, масалан: *“Белида белбоғи бор”* (бу иборадаги “белбоғ” айнан ўзбек миллати йигитларинимардлилигини, субутлм ва диёнатлилигини ифодаловчи белги хисобланади), *“қўли ҳалаллади”* (ушбу иборада болалик фаслидаги 3-7 ёшли ўғил болаларнинг ҳатна, суннат қилиниши назарда тугилади. Бу инглиз ва ғарб маданиятидан фарқли равишда мусулмончилик одати саналиб, ислом мамлакатларининг барчасида ҳукмдондир). [Саттор, 1994, с.125, 158].

Шу сингари ўзбек тилида аёлларга нисбатан ишлатиладиган миллий маданиятга тегишли бўлган қўйидаги посессив ибораларни таҳлил қилиш мумкин: *“Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит”* (оилада келинчакни янги оиланинг урф-одатига ўргатишда ишлатиладиган ибора); *“онасини кўриб қизини ол”*, *“қулоғини тишлаб қўйган”* (бу туркий ўзбек қавм-қариндошлари орасида қадимдан мавжуд бўлган одат бўлиб, бешикдаги қизга 4-5яшар болани “ёр” қилиб қизалоқнинг қулоғидан тишлатишни билдиради, яъни яъни олдиндан ҳал қилинган иш) [Саттор, 1994, с.60]. Келтирилган иборалар ўзбек миллатининг аёлларга тегишли бўлган оила муносабатлари ифодаланган.

Бундан фарқли ўларок, инглиз тилида гендер жиҳатдан аёлликни ифодаловчи посессив бирликлар асосан атоқли отлар билан берилган: *“the*

*daughter of Eve*” (момоҳаво қизи, гўзал жинс соҳибаси); “*the daughter of Jezebel*” (безбет аёл) “*Our lady*” (авлиё аёл, христиан динида илоҳий кучга эга бўлган ва унга сиғиниладиган аёл) [Кунин, 1967, 230, 523].

Тадқиқот натижасига кўра посессивликнинг ҳар иккала қиёсланаётган тилларда ўзига хос ҳам гендер, ҳам миллий-маданий хусусиятлари намоён бўлди.

### *Учинчи бобга хулоса*

Замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмасида катор йўналишлар тараққий этмоқда, улардан когнитив тилшунослик ва лингвокультурология бугунги кунда энг долзарб йўналишлар ҳисобланади. Когнитив тилшунослик тилни трансформацияланишида ва кодлаштирилишида когнитив механизм сифатида уни ўрганади. Бу тилшуносликнинг мақсади қабул қилиш жараёнини қай тарзда пайдо бўлиши, категорияланиши, таснифланиши ва дунёни ўз нуқтаи назаридан тушунишни ўз ичига олади.

Лингвокультурология бу тилшунослик ва культурологиянинг ўзаро тўқнашуви асосида пайдо бўлган мураккаб илмий фан йўналишидир. У маданият билан тилнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирини, тилни маданиятнинг феномени сифатида ўрганади. Бу миллий тил призмаси орқали дунёни маълум даражада кўриш, тилнинг маълум миллат ақл ва маданияти орқали намоён бўлишидир.

Замонавий тилшуносликнинг йўналишлари бўлмиш лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослик нуқтаи назаридан посессивлик тушунчасини ифодаланиш хусусиятларини ўрганиб чиқдик.

Натижаларга асосланган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, посессивлик категорияси турли тизимга тегишли бўлган тиллар морфологияси ва синтаксисида умумий ва фарқли жиҳатлари, унинг ҳосил бўлиш йўллари, қолаверса, лингвокультурологияда унинг ўзига хос бўлган хусусиятларининг қисқача таҳлили амалга оширилди. Кўриниб турибдики, ўзбек тилида посессивлик категорияси нафақат эгалик қўшимчалари, балки қаратқич келишиги қўшимчаси орқали қаратқич-қаралмиш муносабатлари, ўзлик олмошлари, ҳамда, -ники тегишлилик қўшимчаси билан ҳам ифодаланади. Шунингдек, инглиз тилида ҳам посессивлик 's формасидан ташқари, ўзбек тилидаги каби ўзлик олмоши ва ундан фарқли равишда предлоглар воситасида, ҳамда, синтактик йўл билан ифодаланади. Бундан

ташқари, лингвокультурологик жиҳатдан бу категория ушбу тилларда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Тилнинг гендер аспектларига келсак, улар миллий-маданий қадриятлар билан бир қаторда бирор миллатнинг этник маданияти билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини кузатамиз. Бу эса маълум маданиятда концептларнинг турли томонларини очиб берадиган тадқиқот жараёнлари тизимини маданий асосий омилларини кўрсатиб беради.

Гендернинг ҳар бир миллат ва элат лексикасида кузатиш мумкин. Аёллик ва эркаклик образлари турли этнос ва маданиятнинг лексикасида, шу жумладан, фразеологик ва паремиологик бирликларида акс этади. Унда посессивликнинг яширин семантик кўриниши мисол бўла олади. Ушбу бирликлардаги ўзига хосликни бир нечта гуруҳларга ажратиб кўрсатган ҳолда таҳлил қилинди.

### *Умумий хулоса*

Ҳозирги вақтда ҳорижий тил муаммоларини ўзбек тили масалалари билан боғлаб ўрганиш, уларнинг тафоввутли ва мутаносиб томонларини солиштириш, жумладан, турли тизимга тегишли бўлган инглиз ва ўзбек тилларида поссессивлик (эгалик)нинг категорияланиш муаммоси ва унинг категориал мавқеини кўрсатиш, ҳамда бугунги кунда тилшуносликнинг долзарб йўналишлари бўлмиш лингвокультурология ва когнитив тилшунослик ёрдамида унинг аҳамиятини аниқлаш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Инглиз тилида келишик категорияси от сўз туркумининг формаси бўлиб, у гапда от ва олмошларнинг бошқа сўзлар билан синтактик алоқасини ифодалайди. Инглиз тилида келишик форма ва унинг таркибий қисмлари жиҳатидан, шунингдек, маъно ва функциялари жиҳатидан узоқ йиллар давомида тилшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Инглиз тилида келишик категорияси турли тилшунослар томонидан турлича талқин қилиниб келинган. Жумладан, М.Дейчбейн, Ж.Вебер, Г.Суит, Ч.Филлмор, О.Есперсен, А.Брайент, А.Маркуордт, Б.Ильиш, А.Мухин, Н.Слюсарева, Б.Хаймович, Г.Воронцова, В.Плоткин каби тилшуносларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Айниқса, инглиз тилида бу муаммо узоқ йиллардан буён тилшунослар орасида мунозарали баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Чунки инглиз тилида ўзбек тилидан фарқли ўлароқ отларнинг келишик категориясини икки хил йўл билан, яъни шакл ёки маъно хусусиятига кўра ажратиш масаласи мавжуд. Шунга кўра, инглиз тилида келишик категорияси мавжуд эмас, деган хулосадан тортиб, келишик категорияси маъно жиҳатдан чексиз кўринишга эга, деган фикрлар пайдо бўлган. Келишик формаси масаласи келишикнинг ўзи каби муаммоли масаладир. У флектив ва флектив бўлмаган морфология тарафдорлари ўртасида қатор баҳсларга сабаб бўлиб келган Шу сабабли, биз тадқиқотимизда ушбу муаммолар масалани хал қилишда аввалам

бор посессивлик тушунчасини категориял мавқеини аниқлаш жуда мухим деган хулосага келдик.

Аммо бундай мухим лингвистик таҳлилнинг кўпгина масалалари хали тегишлича хал этилган эмас. Қиёслашнинг конкрет методикаси ишлаб чиқилмаган, бир системали ва кўп системали тилларнинг қиёслашнинг ягона принципи йўқ. Тилшуносликда ханузгача муайян конкрет тилларни лингвистик инвентаризациялаш ва қиёслашга доир тўла йиғилган эмпирик материал мавжуд эмас. Тил системаларининг барча ярусларини лингвистик баён этиш жараёни бошланган бўлса-да, у ўз такомиллашувини кутмоқда.

Шу сабабли, хозирги кунда тилшуносликда илмий изланишлар кенг куламда олиб борилмоқда-ки, бу ходиса сўзсиз турли-туман назарияларни пайдо бўлишига сабаб булаяпти.

Бу назариялардан бири тилшуносликда тилнинг турли яруслари бирликлари иштрокида ифодаланувчи категориялар яратишдир. Ушбу муаммо кўп олимларни қизиқтириб келмоқда, чунки шу пайтгача конкрет тилларнинг грамматик системасини тадқиқ қилишда қўлланилаётган грамматик категориялар тушунчаси типологик тадқиқот учун етарли эмас.

Инглиз тили мисолида биз аниқлашимизга кўра ўрганилаётган тушунча грамматик категориялар сирасига кирмайди. Сабаби келишик маъносини ифодалаш учун инглиз тилида деярли қушимчалар, яъни грамматик маркерлар мавжуд эмас. Бу ходиса инглиз тилини аналитик тип тиллар сирасида эканлигига исбот бўла олади. Қолаверса, тарихий ривожланишига кўра келишик категорияси замонавий ҳолатга етиб келмаганлигини илмий адабиётлар таҳлили жараёнида аниқладик.

Таҳлил жараёнида қиёсланаётган тиллар турли тизимли тиллар сирасида эканлиги сабабли, посессивлик макромайдонининг ососи бўлмиш келишик категорияси ҳар иккала тилда турлича талқин қилинди. Инглиз тили аналитик тип тил бўлганлиги сабабли, келишик категориясининг

бахсли томони мавжуд эканлиги аниқланди. Уни қўйидагича изоҳлаш мумкин.

Инглиз тилида шакл ясовчи қўшимчалар жуда ҳам кам миқдорда бўлганлиги, келишиқни грамматик категори сифатида инкор қилинишига олиб келди. Шу сабабли уни категориал мавқеини шубҳали ҳолатга олиб келди. Олимларнинг фикрича келишиқ категорияси грамматик категория эмас, балки синтактик категориядир, сабаби икки категориядан бирм, яъни эгалиқ категорияси ясалишида қоида бўйича белгиланган ‘s қўшимча ҳамма отларнинг негизига ҳам қўшилавермайди ва ушбу маънони турдош отлар турли сшз бирикмалари орқали ифода этади, масалан: жонли отлар билан: *my friend's book*, жонсиз отлар билан: *the water of the river*

Ўзбек тилида эса олтига келишиқ мавжуд бўлганлиги, келишиқ категорияси асос сифатида грамматик категориялар каторидан ўрин эгаллайди. Шунинг учун биз биринчи навбатда қиёсланаётган тилларнинг кулишиқ борасида ухшашлик ҳамда фарқли томонларини аниқлаш учун қиёсий таҳлил олиб бордик.

Замонавий тилшуносликнинг йўналишлари бўлмиш лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослик нуқтаи назаридан посессивлик тушунчасини ифодаланиш хусусиятларини ўрганиб чиқдик.

Натижаларга асосланган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, посессивлик категорияси турли тизимга тегишли бўлган тиллар морфологияси ва синтаксисида умумий ва фарқли жиҳатлари, унинг ҳосил бўлиш йўллари, қолаверса, лингвокультурологияда унинг ўзига хос бўлган хусусиятларининг қисқача таҳлили амалга оширилди. Кўриниб турибдики, ўзбек тилида посессивлик категорияси нафақат эгалиқ қўшимчалари, балки қаратқич келишиги қўшимчаси орқали қаратқич-қаралмиш муносабатлари, ўзлик олмошлари, ҳамда, -ники тегишлилик қўшимчаси билан ҳам ифодаланади. Шунингдек, инглиз тилида ҳам посессивлик ‘s формасидан ташқари, ўзбек тилидаги каби ўзлик олмоши ва ундан фарқли равишда



предлоглар воситасида, ҳамда, синтактик йўл билан ифодаланади. Бундан ташқари, лингвокультурологик жиҳатдан бу категория ушбу тилларда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Тилнинг гендер аспектига келсак, улар миллий-маданий қадриятлар билан бир қаторда бирор миллатнинг этник маданияти билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини кузатамиз. Бу эса маълум маданиятда концептларнинг турли томонларини очиқ берадиган тадқиқот жараёнлари тизимини маданий асосий омилларини кўрсатиб беради.

Гендернинг ҳар бир миллат ва элат лексикасида кузатиш мумкин. Аёллик ва эркаклик образлари турли этнос ва маданиятнинг лексикасида, шу жумладан, фразеологик ва паремиологик бирликларида акс этади. Унда посессивликнинг яширин семантик кўриниши мисол бўла олади. Ушбу бирликлардаги ўзига хосликни бир нечта гуруҳларга ажратиб кўрсатган ҳолда таҳлил қилинди.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2009.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. - 2005, 28 январь.
3. Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи семантик бирликлар. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, № 4.
4. Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Тўшкент, 1973.
4. Адмони В.Г. Основы теории грамматики - М-Л.: Наука, 1964.
5. Апресян Ю.Д. Дистрибутивный анализ значений и структурные семантические поля. // Лексикографический сборник. Вып. V. – М., 1962.
6. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. – М.: Наука, 1974.
1. 7. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. - Москва, 1999.
7. Бабаева Е.В. Концептологические характеристики социальнкх норм в немецкой и русской лингвокультурах. - Волгоград, 2004.
8. Бархударов Л.С. Очерки по морфологии английского языка. – М.:ВШ, 1975.
9. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.- Тошкент, “Фан”, 1985.
10. Бондарко А.В. Семантические категории в аспекте сопоставительных исследований //Сопоставительная лингвистика и обучение неродному языку. М.: Наука, 1987.
11. Бондарко А.В. Аспекты системного анализа грамматических единств // Русистика: Лингвистическая парадигма конца XX века. Сб. статей в честь

профессора Сакмары Георгиевны Ильенко. Изд. С. Петербургского университета, 2001.

12. Бондарко А.В. Понятийные категории и языковые семантические функции в грамматике // Универсалии и типологические исследования. М.: Наука, 1974.

13. Буранов Дж. Бўранов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси.- Тошкент: Ўқитувчи, 1973.

14. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков.- М.: Высшая школа, 1983.

15. Васильев Л.М. Современная лингвистическая семантика. М.: ВШ, 1990.

16. Воронцова Г.Н. Очерки по грамматике английского языка. – М., 1960.

17. Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке.- М.: Просвещение, 1969.

18. Гумбольдт В.фон. О различии строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человеческого рода // Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX в.в.- М., 1956. (составитель Звегинцев В.А.).

19. Гумбольдт В. Фон. Избранные труды по языкознанию. Перевод с нем.- М.: Прогресс, 1984.

20. Горошко Е. Гендерная проблематика в языкознании. М., 2002.  
<http://www.owl.ru/library/043t.htm#edu2>

21. Есперсен О. Философия грамматики. М.: Изд. иностр. лит. 1958.

22. Звегинцев В.А. Семасиология. – М.: МГУ, 1957.

23. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. М.: "Высшая школа", 1981.

24. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фанлари докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999.

25. Карасик В.И. Оценочная мотивировка, статус лица и словарная личность. // Филология. – Краснодар, 1996, № 3.

26. Карасик В.И. Культурные доминанты в языке // Языковая личность: культурные концепты. Волгоград - Архангельск, 1996.
26. Караулов Ю.Н. Русская и общая идеогнафия. – М.: Наука, 1976.
27. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М.: Наука, 1987.
28. Кирилина А.В. Гендер: Лингвистические аспекты. М., 1999.
29. Кирилина А.В. Исследование гендера в лингвистических научных дисциплинах // Гендерное образование в системе высшей и средней школы: состояние и перспективы: Материалы международной научной конференции, Иваново, 2003.
29. Кобозева И.М. Немец, англичанин, француз и русский : выявление стереотипов национальных характеров через анализ коннотации этнонимов. // Вестник МГУ, серия 9, Филология, 2002, № 3.
30. Кобозева И.М. Лингвистическая семантика Москва, 2002.
30. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М-Л: Изд. АН СССР, 1960.
31. Косвен М.О. Очерки истории первобытной культуры. М., Изд. АН СССР, 1957.
32. Кубрякова Е.С. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика – психология – когнитивная наука. // Вопросы языкознания, 1994, № 4.
33. Кубрякова Е.С. Роль словообразования в формировании языковой картины мира //Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. М.: Наука, 1988.
34. Кубрякова Е.С. Особенности речевой деятельности и проблемы внутреннего лексикона //Человеческий фактор в языке. Язык и порождение речи. М.:Наука, 1991.
35. Кубрякова Е.С., Панкрац Ю.Г. Падежная грамматика //Современные зарубежные грамматические теории. М., Прогресс, 1983.
36. Лурия А.Р. Язык и сознание. - М.: МГУ, 1979.

37. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2001.
38. Мещанинов И.И. Понятийные категории в языке //Труды Военного института иностр. языков. М., 1945, №1.
39. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент: "Ўқитувчи" нашриёти", 1979.
40. Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. Филол. фанлари докт. ... дисс. автореф.- Тошкент,1994.
41. Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. М.: Наука, 1984.
42. Нишонова Н.Р.Ўзбек тилида “ҳайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили. Филол. фанлари ном. ... дисс. автореф.- Тошкент, 2000.
43. Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: ВШ. 1990.
44. Нурмонов А.Лингвистик бирликларда умумийлик-хусусийлик, моҳият-ходиса диалектикаси. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1995. - 1-сон.
- 45.. Пелевина Н.Ф. Теория значения и опыт построения семантических полей (значения света и цвета). Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. Л., 1971.
46. Плоткин В.Я. Грамматические системы современного английского языка. – Кишинёв, 1975.
47. Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. Ташкент: Госиздат Уз ССР, 1933.
48. Расулов И. Танланган асарлар. Икки жилдли. F Тошкент, 2015.
49. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. Т.: “Фан”, 2005.
50. Расулова М.И. Грамматическая категория рода в аспекте гендерной лингвистики. // Ҳозирги замон тилшунослиги ва хорижий тиллар ўқитишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2010. - с.5-7.
51. Раҳматуллаев Ш. Семема + мустақил тил бирлиги. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1995. - 1-сон.

52. Рябов О.В. Русская философия женственности. (X- XX века). – Ивоново, 2001.
53. Рябов О. В. "Матушка-Русь": Опыт гендерного анализа поисков национальной идентичности России в отечественной и западной историософии. Москва, 2001.
53. Саттор Махмуд. Ўзбекнинг гапи кизик, Тошкент, 1994.
53. Сафаров Ф.С. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусиятлари. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарканд, 2004.
54. Слышкин Г.Г. От текста к символу: лингвокультурные контексты прецедентных текстов в сознании и дискурсе. – М., 2000.
55. Слышкин Г.Г. Гендерная концептосфера современного русского анекдота. // Гендер как интрига познания. Гендерные исследования в лингвистике, литературоведении и теории коммуникации. – М., 2002.
56. Слышкин Г.Г. Лингвокультурные концепты и метаконцепты. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Волгоград, 2004.
57. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент, 2004.
58. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. – М., 1977.
59. Степанов Ю.С. Интертекст и некоторые современные расширения лингвистики. // Языкознание. Взгляд в будущее. – Калининград, 2001.
60. Степанов Ю.С. О предпосылках лингвистической теории значения. // Вопросы языкознания, 1964, № 5.
61. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент, Ўқитувчи, 1975.
62. Уфимцева А.А. Теория “семантического поля” и возможности их применения при изучении словарного состава языка. // Вопросы теории языка в зарубежной лингвистике. – М., 1961.
63. Филичева Н.И. Синтаксические поля. – М.: ВШ, 1977.

64. Халеева И.И. Гендер как интрига познания. // Гендерный фактор в языке и познании. Сборник научных статей. – Иваново, 1999.
65. Халеева И.И. Гендер в теории и практике обучения межкультурной коммуникации // Доклад на межд. конф. «Гендер: язык, культура, коммуникация». М., 1999.
66. Хакимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2004.
67. Хожиева Ҳ.Я. Ўзбек тилида хурмат майдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусиятлари. Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Самарканд, 2001.
68. Щур Г.С. О морфосемантических полях, функционально-инвариантных группах и категориях. // Вопросы лингвистики. – Томск, 1970.
69. Щур Г.С. Теории поля в лингвистике. – М.: Наука, 1974
70. Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. – М.: Наука, 1981.
71. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1975.
72. Гуломов А. Ўзбек тилида кўплик категорияси. Тошкент, 1944.
73. Гуломов А. Феъл. Тошкент, Фанакаднатр, 1954.
74. Гуломов А. Ўзбек тили аффиксациясининг баъзи масалалари.- Ўзбек тили ва адабиёти, 1951, № 2.
74. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. Тошкент: Фан, 1963.
75. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида сўз ясалиши. Тошкент, 1989.
76. Ҳожиёв А. Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. Лексика. Тошкент: Фан, 1991.

#### ***Чет тиллардаги илмий адабиётлар***

77. Blokh M.Y. A Course in Theoretical English Grammar. – М., ВШ, 1983.
78. Bryant M. A Functional English Grammar. - New\_York, 1945.
79. Cljse R.A. A Reference Grammar for Students of English. – Ldn., 1977.

80. Cowie L. Toward a re-evaluation of Love. // Symposium on Love. New-York, 1984
81. Curme G.O. A Grammar of the English Language. 0 Boston – New-York, 1935.
82. Fillmore Ch. The case for case. // Новое в зарубежной лингвистике, том XX - М., 1986.
83. Fries Ch.C. The Structure of English. – New-York, 1955.
84. Ganshina M.A., Vasilevskaya N.M. English Grammar. – М., 1964.
85. Hill A. Introduction to Linguistic Structures. – New-York, 1958.
86. Hockett Ch. A Course in Modern Linguistics. – New-York, 1958.
87. Plyish B. The Structure of Modern English. – Л.: Просвещение, 1971.
88. Khaimovich B.S., Rogovskaya B.I. A Course in English Grammar. – М., 1967.
89. Nida E. Morphology. – Ann Arbor, 1965.
90. Quirk R. and others. A Contemporary English. – Ldn, 2002.
91. Strang B. Modern English Structure. – Ldn, 1974.
92. Sweet H. A New English Grammar: Logical and Historical. Oxford, 1940.

### *Лексикографик манбалар*

93. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966.
94. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. - Москва, 1984.
- 95.. Мирзаев Т., Мусоқулов А. Ўзбек ҳалқ мақоллари. - Тошкент, 2003.
96. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. - Тошкент, 1992.
97. Рыбакин А.И. Словарь английских личных имен.- М., 2001.
98. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.- М.:Рус тили, 1981.
- 99.. Sield G, Mc Mordie W. English Idioms and How to use them М, 1983
100. Oxford Concise Dictionary of Proverbs Oxford, 2003
101. Oxford Popular Dictionary and thesaurus Oxford 1999
102. Roget`s Thesaurus of English words and phrases London 2006
103. Sield G, Mc Mordie W. English Idioms and How to use them М, 1983